O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 18-may, chorshanba ✱ № 20 (979) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

БУГУНГИ МАҲАЛЛАЛАР КЕЧАГИ МАҲАЛЛАЛАР ЭМАС

Бир сўз билан айтганда, маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир. Шу маънода халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.

⇨ 2-3-бет

КИМ АЙБДОР?!

Ашраф айни суҳбатнинг устидан чиқди. У акасининг норозилигини анчадан бери сезиб юрар ва унинг гапларидан ранжиган эди. Бу гал унинг фикрига қўшилди:

— Ота, хўп десайиз, менам ўртоқларим билан бориб ишлаб келсам...

⇨ 6-бет

ТАРИХНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

Тарихий бойликлар қандай минтақада, қайси халқ, миллат томонидан яратилган бўлмасин, у бутун инсоният мулки сифатида қадрланади. Уларни асраб-авайлаб сақлаш, дунё жамоатчилигининг умум мақсадларидан биридир.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Пойтахтимизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли " мазуида семинар ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда "Автомобиль транспорти соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш: ҳолат ва истиқболлар" мавзуида конференция ўтказилди. Унда парламент қуйи палатаси аъзолари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Яқинда Берлинда бўлиб ўтган мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими барчада катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ушбу давлат ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Испаниянинг Толедо шаҳрида юртимизда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг амалиётга татбиқ этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан "HM Hospitales" университети клиникаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ДЎСТОНА РИШТАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

ФЕСТИВАЛ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Д.Ҳакимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча давлатлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги элчихоналар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, анжуман ва фестиваллар ҳамкор давлатлар билан ўзаро муносабатларни янада равнақ топтиришга хизмат қилаётир. Бунда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, дунё халқлари билан тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳити муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Фестивалда Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Швейцария, Польша, Болгария, Словакия, Чехия, Латвия, Россия, Япония, Озарбайжон, Украина, Саудия Арабистони, Миср, Умон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Туркманистон, Тожикистон, Малайзия, Индонезия, Жазоир, Кувайт, Туркия, Иордания, Вьетнам, Қозоғистон, Афғонистон каби мамлакатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Дунё халқларининг бетакрор урф-одатлари намойишига айланган ушбу фестиваль Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар, хусусан, Италия билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир, — дейди Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Риккардо Манара. — Ушбу тадбир турли халқларнинг миллий таомлари билан танишиш, қадимий анъаналар жозибасидан завқланиш имконини беради. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, жумладан, тўқимачилик, мода ва дизайн соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётгани ғоят қувонарли. Бой тарих ва бетакрор маданиятга эга Ўзбекистон сайёҳлик борасида катта салоҳиятга эгадир. Бу борадаги ҳамкорлигимизни ҳам янада ривожлантириш ниятидамиз.

Анжуманда турли мамлакатларнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, ранг-баранг қадрият ва анъаналари, миллий либослари, лаззатли таомлари, ҳунармандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Мумтоз куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар фестиваль меҳмонларига манзур бўлди.

Фестиваль доирасида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳам намойиш этилди. Тадбир иштирокчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири
ЎзА олган суратлар

ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ёшлар мамлакат, миллатнинг кўрки, эртанги куни. Ватаннинг келгуси тараққиёти уларнинг бугун қандай таълим-тарбия олаётгани, илм чўққиларини забт этаётганига бевосита боғлиқ. Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги тўйи олдидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан вилоятларда ўтказилаётган «Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мавзуидаги учрашув ва мулоқотлар ёшларимизни янги ва юксак марраларга ундамоқда. Яқинда пойтахтдан борган шоирлар, санъаткорлар билан сурхондарёлик ёшларнинг бир ҳафталик мулоқоти давомида бунга яна бир карра гувоҳ бўлдик.

Ҳурматли муштарийлар,

2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЙРАМИ

ЭЪЛОН

Ҳурматли юртдошлар!
Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

Республикамиз аҳолисининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қўмагида бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2016 йилнинг 26-28 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида **"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор"** шиори остида Республика "Китоб байрами" ўтказилмоқда.

Сайил тарзида ўтказилаётган байрам тадбирларида адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китобларнинг тақдимотлари, мустақилликнинг 25 йиллигига бағишланган сара асарлар намойиши, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталарининг концертлари бўлиб ўтади.

27 май куни "Китоб байрами" доирасида "Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси" мавзуидаги IV илмий-амалий конференция ҳам ўтказилмоқда.

Барча китобсеварларни Республика "Китоб байрами"га таклиф этамиз!

Маълумот учун телефон: 244-12-61

ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

Бошланиши 1-бетда

Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига бормайлик, бир-биридан кўркам иншоотлар қад ростлаётганига дуч келамиз ва буни одатий ҳол дея қабул қиламиз. Сурхондарё вилояти ҳудуди ҳам бундан мустасно эмас. Бугун Термиз шаҳрига кириладиган барча йўллар, даҳаларда беқиёс қурилиш ишлари бораётир. Мамлакатимиз жанубий дарвозаси саналган Термизни бугун таниёлмайсиз, десам ишонинг. Шаҳарнинг асосий кўчалари бўйлаб қад кўтарган ва қад кўтараётган кўп қаватли турар жойлар, замонавий дўконлар, меҳмонхоналар, маиший хизмат шохобчаларини кўриб, ҳайратга тушасиз. Кейинги йилларда қурилган «Сурхон» спорт мажмуаси, Ёшлар маркази, Темир йўл бекати, Давлат университети биноси, Археология музейи шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Ярим тунгача кўчаларда транспорт қатнови тинмайди, дўконлар, истироҳат боғлари аҳоли билан гавжум. Бир пайтлар чегара шаҳарчаси саналган Термиз истиқлол шарофати билан кечалари чароғон, кундузлари нурафшон замонавий шаҳри азимга айланди.

Очиғи, янги авлод, яъни мустақиллик фарзандлари билан мулоқотларимиз жуда қизғин кечди. Албатта, улар айни кунда узоқ ва яқин тарихимизни ҳужжатли ёки бадиий фильмлар, китоблар ёки бўлмаса, бобо-момоларининг айтиб берган ҳикоялар орқали билишмоқда. Биз катта авлод вакиллари улар билан мулоқотларда ўтмиш ва бугунни холислик билан далиллар асосида таққослашимизга тўғри келди. Зотан, бугунги ёшлар ота-боболари мустабид тузум даврида турфа уқубатларга маҳкум этилганини билишлари жоиз. Шу маънода ўтган асрга назар ташлайдиган бўлсак, аввало мустамлакачилик ботқоғи, инқилоб даврида талатўплар, ўттиз еттинчи йилги қатағонлар ва мингминглаб инсонларнинг ёстиғини қуритган иккинчи жаҳон уруши кўз ўнгимизда гавдаланади. Халқимиз бошидан ўтказган бу кўргиликларни ҳеч қачон шунчаки айтиб ёки қайд этиб ўтишнинг иложи йўқ. Юз берган бу эврилишлар оқибатида қанчадан-қанча тақдирлар чил-парчин бўлиб кетганини, қаҳатчилик, очарчиликлар халқ силласини қуритганини бугунги ва келгуси насллар ёдида сақлашлари шарт. Зотан, қатағонлар, қама-қамалар ва адоқсиз хўрликлар билан бутун эл-улусни қўрқитиш, инсон қадр-қимматини ерга уриш мустабид тузумнинг асосий тамойили эди. Бу зулм ва бедодликлар у ёки бу кўринишда 1991 йилга қадар уст-ма-уст давом этиб келди.

— Олтмишинчи йилларда бисотимизда бор-йўғи бир сигир ва учта қўйимиз бор эди, дейди қумқўрғонлик Чори Мўминов биз билан суҳбатда. — Хонадонларда мол-ҳол боқиш таъқиқланган ўша замонда ота-онамни миршаблар туртиб-суртиб учта ўламса қўйимизни ҳайдаб кетишгани эсимда. Ҳали суягимиз қотмасдан, яъни ўн-ўн бир ёшдан пахта яганага, сўнг чопиққа чиқардик. Кейин эса куздан то декабрь ойи охиригача пахта теримида қатнашардик. Бирор байрам ёки дам олиш кунини билмасдик. Хуллас, қишлоқ боласи борки, мактабни тугатгунча эрта баҳордан қишгача муттасил пахта даласидан бери келмасди. Пахтазорда ишлаб турган жойимизда кукурузник самолёт бошимиздан шовуллатиб заҳарли оғуни сепиб кетган пайтларчи? Гарчи бунга парво қилмасак-да, дорилар касофатидан 80-йилларда касалхоналар сариққа чалинган беморлар билан тирбанд бўларди. Ачинарлиси, бундай болаларнинг кўпчилиги ҳали суяги қотмасданоқ ҳарбий хизматга яроқсиз ёки касалманд бўлиб қоларди.

Бугун ёш авлодга берилаётган эътибор, алалхусус, Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шуларни ўйлаганимда шўро пайтида инсонлар, айниқса, болаларнинг ҳаёти, соғ-саломатлиги нақадар беқадр бўлган экан-да, деган фикр беихтиёр хаёлимдан ўтади.

Миллат тарихи, аждодлар мероси, миллий қадриятларни билиш халқнинг ўзлигини англашда муҳим омил саналади.

Мустабид тузум шонли тарихимизни ўрганишга, соҳибқирон Амир Темур, Ибн Сино, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотуридий, Имом Термизий, Ал Хоразмий каби буюк аждодларимизни танишимизга асло изн бермасди. Изн бермасдигина эмас, балки боболаримиз шаънига номуносиб тамғалар босилиб, номларини тилга олиш мумкин эмасди. Зеро, улуғ аждодларини таниган халқ ҳеч қачон бошқаларга қарам бўлиб яшамаслигини улар яхши билишарди-да.

Бизнинг гуруҳимиз Термиз тумани мактабларидаги илк учрашувлардаёқ спортчи ўқувчилар ва санъат ғунчаларининг бир-биридан чиройли, ўзига хос чиқишларини, уларнинг ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда чуқур билимга эга эканликларини гувоҳи бўлиб, ҳайратимизга ҳайрат қўшилди.

Ҳамманинг қалбидаги қувонч жилолари юз кўзимизда зоҳир эди. Биз уларга шеър, қўшиқлар куйлаб берамиз десак, қишлоқнинг истеъдодли болалари бизни лол қолдиришган эди. Назаримда бу чинакам ютуғимиз эди. Ростдан ҳам мактаб ўқувчилари орасида «Президент асарлари билимдони», «Сиз қонунни биласизми?», «Солиқ билимдонлари» каби республика танловларида ғолиб бўлган ёшлар анчагина экан. Ўғил-қизларнинг кураш, каратэ, бадиий гимнастика машқларини маҳорат билан бажараётгани ўқув даргоҳларида спорт тўгаракларининг фаол ишлаётганидан дарак бериб турибди. Мустақиллик фарзандларининг бўйи-басти, кийинишлари гўзал, гап-сўзлари эса бурро. Улар илмга чанқоқ, китобсевар, қолаверса, санъатнинг чинакам шайдолари. Уларнинг интилишларини кўриб, орзу-ниятларини тинглаб, кимнинг ҳаваси келмайди, дейсиз?

Хайрли тадбир баҳонасида улуғ аждодимиз, шу заминда яшаб ўтган Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилиш шарафига ҳам муяссар бўлдик. Мустабид тузум даврида сим тўрлар ортида қаровсиз қолиб кетган бу гўша бугун ниҳоятда кўркам ва обод. Зиёратгоҳга одамлар оқими тинмайди. Турли ўлкалардан келтириб ўтқазилган дов-дарахтлар, йўлаклар атрофидаги анвойи гуллар киши кайфиятини кўтаради. Кўнгил алланечук осойиш топади. Биргина шу мажмуа тимсолида гувоҳи бўлганимиздек юртимизда улуғ зотларга кўрсатилаётган эъзозу эътиборнинг боиси ҳам истиқлолимиздир, десак асло адашмаймиз.

Эртаси куни Олтинсой туманидаги 3 ва 4-мактаблар ҳамда коллеж ёшлари билан учрашувлар ҳам ҳақиқий байрам тусини олди.

— Ўқув даргоҳимизда бўлиб ўтган тадбир ёшларимизни ниҳоятда қувонтирди, — дейди Олтинсой тумани саноат касб-ҳунар коллежи директори Рамазон Турдиев. — Таниқли актёр Матёқуб Матчонов, ёш хонанда Абдували Ражабовлар билан бундай жонли мулоқотлар ҳар куни ҳам бўлавермайди. Ушбу тадбирларнинг бутун мамлакат бўйлаб кенг миқёсда ўтказилаётгани Юртбошимизнинг ёшларимизга доимий ғамхўрлиги ва диққат-эътборининг яққол ифодасидир. Ўқув муассасамизда умидли, истеъдодли ёшлар жуда кўп. Ўйлайманки, бу мулоқот уларнинг қалбига она Ватанга муҳаббат, эзгуликка интилишдек чўғни ташлади. Албатта, бу чўғ энди узоқ йиллар ёниб, уларни эзгу ишларга чорлаб туради.

Шеробод туманидаги Пошхурт, Зарабоғ қишлоқлари мактабларида ҳамда ҳарбий қисм оилалари бўлиб ўтган мулоқотларда ҳам ёшларнинг Она-Ватанга садоқати, истиқлолимизни янада мустаҳкамлашга қўшажак ҳиссалари хусусида сўз юритилди. Фарзандлар Ватанга, ота-оналарга раҳмат олиб келса, нур устига аъло нур бўлгуси. Ҳарбийлар билан мулоқотда бўлиб, Ватанимиз, чегараларимизнинг муҳофазаси ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўлдик. Хатак қишлоғидаги 47-мактабдамиз. Атрофни жийда гулларининг муаттар бўйи тутган. Бу маскандан атиги 120 километр наридаги Термизда эса ўриклар ғарқ пишиб ётибди. Ватанимизнинг жаннатмонандлиги, ўзига хослигини рамзи эмасми бу?

Сир эмаски, дунё бугун қалқиб турибди. Қайсидир гўшаларда уруш ва низолар авжига чиқаётир. Бетўхтов уруш ҳаракатларидан зада бўлиб, осойишта ва тинч маконларни истаб бу юртлардан минглаб кишилар бош олиб кетишмоқда. Сурия ва Ироқ давлатларида ташкил топиб, ўзларини «исломий давлат» деб атаётган террористик ташкилот томонидан амалга оширилаётган вайронликлар ва хунрезликларни, содда қилиб айтганда, инсониятнинг ақли бовар қилмайдиган бедодликларни кўриб турибмиз. Бу воқеалар ҳар бир инсоннинг кўзини очиши, обод ва фаровон юртларнинг қадрига етишини, асосийси, доимий ҳушёр ва огоҳ бўлишни тақозо этади. Эндиликда интернет ва турли ахборот оқимлари кириб бормаган макон йўқ. Бугун каттаю кичикнинг қўлида телефон, у орқали билиб-билмай интернетдаги турли ижтимоий тармоқларга кириб, нобоп оқимлар ёки гуруҳларнинг қармоғига тушиб қолиш хавфи кучаймоқда. Халқимиз қўлликни, зулм исканжасини кўрди. Тарих ғилдирагини, тараққиётни ҳеч қачон ортга қайтариш мумкин эмас. У йигирма беш йил аввал ўз мустақил, ободлик ва бунёдкорлик йўлини танлаб олган ва бу йўлда оғишмасдан давом этаётир. Истиқлол шукуҳи, шарофати билан бугун Ватанимиз жаҳондаги гуллаб-яшнаган, обод диёрлардан бирига айланди. Буни бугун дунё аҳли, дўсту нодўстларимиз кўриб билиб турибди. Ўзбекистон чинакам Ўзбекистон бўлди. Бизнинг вазифамиз мустақиллигимизни, Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг равнақига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Юртбошимиз, бобо-бувиларимиз, ота-оналаримиз фарзандларимизнинг мустақиллик берган катта имкониятлардан унумли фойдаланишларини, вақтни ғанимат билиб, илм-фан чўққиларини забт этишларини, мухтасар айтганда, эртанги кунимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишларини истайди. Зотан, ёшларимизга яратилаётган шарт-шароитлар, қулайликлар шуни тақозо этади.

Абдумажид АЗИМОВ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида чоп этилмоқда.

БУГУНГИ

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенглик каби демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилаётгани кенг жамоатчиликка яхши маълум. Мустақиллик даврида маҳалла институтининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб, аҳолининг ушбу ноёб тузилмага бўлган ишончи янада кучайиб бораётгани бизда демократик тамойилларнинг мустаҳкам қарор топаётганидан дарак беради.

Ҳўш, нима учун бугун юртимизда маҳалла тизимига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда? Нега одамлар ўз тақдирини маҳалла билан боғлаб, ушбу ноёб тузилманинг бугуни ва эртасига юксак ишонч билдирмоқда? Ёвуз маҳалла институтига айни вақтда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилишининг боиси нимада? Бу саволга шунчаки жавоб бериб бўлмайди, албатта. Нега деганда, юртимизнинг узоқ йиллик тарихи давомида шаклланиб, сайқал топиб, мустақиллик даврида ҳам маънавий, ҳам ижтимоий жиҳатдан янада муҳим аҳамият касб этган, қолаверса, дунёда ягона ва ўхшаши йўқ, ўзига хос ва ўзига мос ижтимоий институт деб эътироф этилган маҳалла ҳақида ҳар қанча гапирсак, ҳар қанча фикрлашсак оз.

Халқимизда "Ватан остонадан бошланади" деган пурмаъно нақл бор. Бу дегани — барчамиз эмин-эркин нафас олаётган, яхшини ҳам, ёмонни ҳам ҳеч қандай иддаоларсиз ўз бағрига олган, келажакка қатъий ишонч билан яшашга тўла имкон берган шу азиз ва муқаддас замин остонадан бошланади. Мана шу табарруқ ўлканинг асосини маҳалла ташкил этади, десак, асло хато бўлмайди. Зеро, ҳар биримиз мана шу мўтабар масканда вояга етамиз, эсимизни таниймиз, ҳаёт деб аталмиш бебаҳо неъматнинг маъно-мазмуни ва моҳиятини айнан шу масканда англаб етамиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳар биримизга бош-қош, ҳар биримизнинг иссиқ-совуғимиздан хабардор бўлган маҳаллада суянгимиз қотади. Донолар "Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг" деб бежизга айтмаганлар.

Кундалик турмушимизда кунда-кунора гувоҳ бўламиз: бир уйда тўй бўлса ҳам, марака бўлса ҳам, ҳеч қачон маҳалла-қўйнинг иштирокисиз ўтмайди. Дейлик, бир одамнинг бошига оғир мусибат тушса, биринчи навбатда қўни-қўшнилар ёрдамга келади. Қўлидан келмагани камида жўяли маслаҳати билан жонига оро киради. Тўй-томоша бўлса-ку, айтмай қўя қолайлик, қаторда туриб, белни қамишдан маҳкам боғлаб хизмат қилади, эл-улус орасида обрў олиб беради. Бу гаплар балки айримлар учун эриш туюлар. Лекин эшитганимиз бор. Ривожланган хорижий мамлакатлардан бирига хизмат сафари юзасидан борган шифокор юртдошимиз ён қўшнисига тансиқ таом тортиқ қилганида, унинг илтифотига шубҳа билан қараган мезбон қўшни ўша заҳотиёқ уни рад этган экан. Юртимизда эса қўни-қўшничилик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, саховат каби юксак инсоний фазилатларнинг амалдаги ёрқин ифодасини энг аввало маҳаллаларимиз тимсолида кўрамиз.

Яқинда Испаниянинг етакчи кундалик нашларидан бири «La Gaceta» да эълон қилинган «Фуқаролик жамиятининг ўзбек модели» сарлавҳали мақоладаги айрим маълумотлар эътиборимизни тортди. Мазкур нуфузли нашрда Ватанимиздаги ноёб институт — маҳалла ҳақида биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фикр-мулоҳазалар билдирилган. Унда қайд этилишича, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик органи сифатида қайта тикланди. У бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Бу институт жуда кўп ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишида, жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятларни асраш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш ва жамоатчилик тартибини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда. Бундан кўринадики, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги кенг кўламли ишларимиз дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, уларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Ҳўш, истиқлолдан аввал қандай эди?

Собиқ тузум даврида юртимизда одамларнинг маҳалла ҳақидаги тушунчаси бирёқлама бўлганини ҳозирги катта авлод яхши билади. Халқнинг тили билан айтганда, у вақтларда ушбу тизимга бор-йўғи қаергадир "справка" керак бўлиб қолганда мурожааат қилинадиган идора сифатида қараларди. Аҳоли орасида "сельсовет", "домком" ёки "маҳаллаком" деган тор маънодаги номлар билан танилган идоралар асосий вақтини мажлисбозлик билан беҳуда ўтказиши туфайли кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлар, негаки, ўша йиғинларда айтилган гаплар фақат қоғозларда қолиб кетарди. Лекин бу ўринда халқимизнинг иродасига тан бериш керак: бундай расмиятчиликлар ҳеч қачон маҳалла аҳлининг бирдамлиги, аҳиллиги, жипслиги ва ҳамжиҳатлигига асло тўсқинлик қилолмаган. Чунки қадим-қадимдан инсонпарварликнинг энг олий тамойиллари асосида турмуш кечирган халқимиз доимо ана шу эзгу анъанасига содиқ қолган. Биргина мисол шуки, "Ўзинг учун ўл етим" қабилидаги сиёсат устувор бўлган собиқ тузум даврида айнан маҳалла аҳли томонидан ҳашар йўли қўлдан келганча уй-жойлар, йўллар ва кўприклар қурилганига гувоҳ бўлганмиз. Шунингдек, қанчадан қанча қўни-қўшниларнинг хайру саховати билан боқувчисиз қолган инсонларнинг тўй-маракалари ўтказиб берилгани ҳақида кўп эшитганмиз.

Яқинда интернет орқали қўшни давлатларнинг бирида бир ой сабабсиз ва ўзбошимчалик билан мактабга бормай қўйган ўсмирни ички ишлар ходимларининг аралашуви билан таълим муассасасига қайтарилгани ҳақидаги мақолага кўзим тушди. Унинг мазмунига кўра, ўқувчининг шу йўл билан мактабга қай-

МИЛЛИОНЛАРНИ МАФТУН ЭТГАН МАРАФОН

ЭЗГУ ТАШАББУС

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳар куни эрталаб 20 дақиқа бадантарбия қилиш кишининг соғлом бўлишини таъминлайди. Спорт эса нафақат соғлик, балки ҳам майдонда, ҳам ҳаётда юксак марраларни забт этиш гаровидир. Бугун юртимизда спортга катта эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу ҳолат ёшу қарини бирдек илҳомлантирмоқда, масалан, велоспортни олайлик. У каттаю кичикнинг севимли машғулотига айланиб қолди. Велоспорт билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунга яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бир вақтнинг ўзида ташкил этилган "Касаба-ТУР" веломарафони иштирокчилари тимсолида ҳам гувоҳ бўлдик.

"Саломатлик акцияси" тарзида ўтказиб келинаётган веломарафонда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди. Уч босқичда ташкил этилган марафонда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 23694 та корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат қилаётган 3 миллион 200 минг нафардан ортиқ ходимлар ва ҳаваскор велоспортчилар қатнашдилар.

Мусобақани старт чизиғидан болажонлар бошлаб берди. Бу эса қолган иштирокчиларга завқ бағишлади. Акция давомида таниқли спортчилар, санъаткорлар, ёш ижрочилар ва маданият ходимлари иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган оммавий-маданий тадбирлар ҳам ташкил этилди. Қизғин ва дўстона беллашувлар тарзида ўтган мазкур спорт байрамига турли тармоқлар тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, маҳалла ҳамда ёшлар ҳам кенг жалб этилди.

"Касаба-ТУР" веломарафони якунлари бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ёш тоифалари бўйича Максим Киршин, Ирина Лукиенко, Дилбар Муталова 1-ўрин, Абдурасул Назаров, Азиза Каримова, Жамшид Нурмуҳаммедов, Нафиса Мўминова, Алижон Эсонқулов, Шуҳрат Камолов 2-ўрин, Равшан Бегматов, Фарид Рўзиев, Роҳила Абдураҳмонова, Баҳром Йўлдошев, Маъмура Жалилова, Шарофиддин Каримов, Дилфуза Аллаёрова 3-ўрин соҳиблари бўлди.

— Кўтаринки руҳда ўтаётган "Касаба-ТУР" веломарафонида қатнашаётганимдан мамнунман, — дейди Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Нафиса Мўминова. — Турли корхона, ташкилот ва муассаса ходимлари билан танишдим, спортни янада ривожлантириш бўйича фикр алмашдик, энг муҳими, дўстлар орттирдим.

Мусобақада эркаклар ва аёллар ўртасида "Энг ёши улуғ пойгачи", "Энг маҳоратли пойгачи", "Энг ёш пойгачи", "Энг фаол пойгачи" номинациялари бўйича ғолиб бўлганларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. "Касаба-ТУР" веломарафони якунлари бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда мутлоқ ғолиб бўлган ҳаваскор велоспортчилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан таъсис этилган махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган кенг имкониятлар, ташкил этилаётган йирик мусобақалар аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар томонлама ривожланган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни тарбиялашга ёрдам беради.



Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ,
"Hurriyat" мухбири
ЎзА суратлари

МАҲАЛЛАЛАР КЕЧАГИ МАҲАЛЛАЛАР ЭМАС

тарилгани мамлакатдаги мактабларда тартиб-интизом масаласи қатъий назоратга олинганидан дарак берар эмиш.

Юртимизда эса дейлик қайсидир мактабда бундай бебошлик юз берган тақдирда авваламбор оилада, қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги вояга етмаганлар, Ёшлар ва спорт масалалари бўйича жамоатчилик комиссияси томонидан ҳал этилади. Яъни, маҳалла ёш авлоднинг тақдири, унинг бугуни ва эртасига ҳеч қачон бефарқ қараб туролмайди.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида маҳалла институтига қуйидагича таъриф берилган: **"...Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган..."**

Бугунги кунга келиб, халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули одамларимиз ҳаётидан

4

чуқур жой олган. Бинобарин, маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналар қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқдаки, натижада бу тузилманинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида жамиятимизнинг асосий бўғинига айланиб улгурди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлатимиз раҳбари ушбу маърузасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат

5

ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда", деб таъкидлаган эди. Ушбу фикрнинг амалдаги ёрқин ифодасини кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва мақоми янада мустаҳкамланиб, маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллашиб борётганида кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда маҳалла аҳли томонидан қўйилаётган зарур масалаларни, хусусан, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритиши, жамоат хавфсизлигини ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалаларини ҳал қилишдаги роли ортиб бориши ҳам айнан юқоридаги мулоҳазаларнинг инъикосидир, десак, хато бўлмайди.

Ҳозирги кунда республикамизда тўққиз мингдан ортиқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, эндиликда халқимиз тилида "Менинг маҳаллам" деган ибора кенг оммалашиб, одамларнинг ўзи яшаб турган ҳудудга бўлган муносабати бутунлай ўзгарган. Зеро, айни вақтда кундалик ҳаётимиздаги кўпгина масалалар бевосита маҳалла институти иштирокида ҳал этилмоқда. Фуқаролик жамиятининг бу институти илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатига тегишли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни бажармоқда. Масалан, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ва болаларнинг иш билан таъминланишига кўмаклашиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар маҳалланинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳудудлардаги аҳолининг уйлари, ҳовлилардаги биноларни ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлаклар, ком-

7

мунал тармоқларни қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашда маҳалланинг ўрни катта. Шунингдек, иморат қуриш, ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга, ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилишига, аҳолидан солиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига, аҳолининг фуқаролик ҳимоясига доир тадбирларни ўтказишга, мажбурий ҳарбий хизматга чақирилувчиларни мудофаа бўлимларига чақирилаётганликларидан хабардор этишга ва чақиришини ташкил этишга кўмаклашишда ҳам маҳалланинг фаол иштироки яққол сезилиб турибди.

Республикамизда маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантирилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, бугун юртимизда амалда жадал ривожланиб келаётган соҳа бўлган оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиши кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги мавқеини янада мустаҳкамлаши ҳеч кимга сир эмас. Бу эса давлатимиз томонидан мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келинаётган тадбиркорликнинг фаоллашувига пухта замин бўлиши билан бир қаторда, маҳаллаларда янги иш ўринлари яратилиши, оилалар иқтисодининг ривож топиши ва пировардида аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистонда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Бундай кенг кўламли янгиланишлар жараёнида ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг ўрни тобора ортиб бораётир. Айниқса, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий

8

ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин муносабат ўрнатиш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни алоҳида эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳам маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга кўра, Республика кенгашига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларни амалга оширишга кўмаклашиш, фаолиятини таҳлил қилиш, такомиллаштириш юзасидан аниқ, асосланган таклиф ва таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш, фуқаролар йиғинларининг илғор тажрибасини оммалаштириш, истиқболли ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш ва бошқа кўплаб ишлар асосий вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, маҳалла бугун давлатимизнинг, ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. У халқчил, ўзини ўзи бошқарадиган жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг вазифаларини бажиришга ҳар томонлама қодир институт эканини амалда исботлаб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир. Шу маънода халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини – маҳаллаларга катта эътибор берилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, тарихимиз, бугунимиз, эртамиз ва албатта тақдиримиз ҳам маҳалла билан чамбарчас боғлиқки, буни асло инкор этиб

9

бўлмайди.

Тоҳир ШОМУРОДОВ

ЕРНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Халқимизда тантилик, меҳнатсеварлик, жонкуярлик фазилатларини улуғловчи шундай ривоят юради: "Ҳукмдор юрт оралаб ўтиб кетаётса, бир мўйсафид кўчат экаётган экан. Чолнинг ғайратига шоҳнинг ҳаваси келибди. Отини тўхтатиб, отахонни гапга тутибди:

— Ҳорманг, бобо, нима экяпсиз?

— Бор бўлинг, олампаноҳ, ёнғоқ экяпман, — жавоб берибди отахон.

— Ёнғоқ кўчати ўн-ўн беш йилда ҳосилга кирса, унгача ким бору, ким йўқ, мевасидан ейиш ўзингизга ҳам насиб этармикин? — дебди шоҳ илмоқлаб.

— Олампаноҳ, боболаримиз экди, биз едик, биз экамиз, ҳосилини болаларимиз, невараларимиз ейди, — жилмайибди бобо. Отахоннинг ҳозиржавоблиги, ғайрати шоҳга маъқул келибди ва унга бир ҳамён тилла ҳадя қилибди.

Боғларимиз кишиларга завқ бағишлаб, мевалари етти иқлимга етсин, қурган иморатларимиз кўрку таровати билан дунё аҳлини лол қолдирсин дея ният қилиб, буюк аждодларимиз ишларидан руҳланиб, танти боғбону деҳқонларимиз кўркам боғлар барпо этишяпти. Нафақат, азалдан обод бўлиб келган жойларда, балки бир пайтлар ўрнини катта-катта харсанг тошлар эгаллаб, вақт ўтиши билан шағал-қум, тошлоқ қоплаган қаровсиз ерларни тозалаб, тупроқ ташиб, ҳақиқий унумдор ерларга айлантираётган фидойи юртдошларимизни кўрганда, беихтиёр: "Яшанг, азиз боғбону деҳқонлар! Қўлингиз ҳеч қачон дард кўрмасин!" дегимиз келади.

Ота-боболаримизга хос бунёдкорлик, яратувчанлик ишларини давом эттириб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёш тадбиркор-фермерлардан бири Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги "Зайнаб-Рапқон" боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Насивали Ёқубовдир.

— Йигит кишига етмиш ҳунар оз деганларидек, ота-онамиз уч қиз ва икки ўғилни ҳалол ризқ билан ўстиришди, меҳнатга ўргатишди, — дея ҳикоя қилади қаҳрамонимиз. — Бўш вақтимиз деярли бўлмасди, ҳамиша нима биландир банд эдик. Дарс тайёрлашимиз, уй ишларини бажаришимиз доимо ота-онамиз назоратида эди. Ҳовлимизда алвон-алвон атиргул, райҳон, қалампир экиб, парвариш қилиш биз ўғил болаларга бўлиб берилганди. Дарахтлар парвариши ҳам бизнинг зиммамизда эди.

Дадам Маҳмудали Ёқубов узоқ йиллар "Бешариқ — Қўқон", "Бешариқ — Тошкент" йўналишларида ҳайдовчилик қилганлар. Нафақага яқин Адиробод ширкат хўжалигида бригадир бўлиб ишладилар. Ўрта мактабни тугатиб, Бешариқдаги ҳисобчилик курсида ўқидим. Акам эса боғбон. Таътил кунларимиз дадам бошчилик қилаётган боққа бориб, боғдорчилик сир-синоатларини ўргана бошладик. Ўқишни битириб, жамоа хўжалигидан ижарага ер олиш учун мурожаат қилдим. Турли мевали кўчатлар экдим, уч-тўрт йилда ниҳоллар барқ уриб гуллади. Бўш ётган ерларни шағал-тошлардан тозаладик, кўчат экдик, улар кўп ўтмай ҳосилга кирди. Меҳнатимиз самараси бизни боғ барпо этишга бўлган иштиёқимизни кучайтирди.

Ота-онасидан ўрнак олган Насивали, уларнинг маслаҳати билан бундан ўн бир йил муқаддам ўн бир гектардан зиёдроқ тошлоқ ерни ўзлаштириб, "Зайнаб-Рапқон" боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигини тузади. Ерни тош-шағалдан тозалаб, кўчат экади. 2006 йилнинг ўзида 885 туп ўрик, 2010 йилгача жами 2655 туп серҳосил кўчат навларини экиб, 15,2 гектар ер майдонини ободонлаштирдик, — дейди у фахр билан.

— Туманимиз ҳокимлиги захирасидаги шағал, тошлоқ, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай ётган ерлардан 20 гектари тендерга қўйилди. Туман ҳокимлигининг 2015 йил 3 февралдаги қарорига мувофиқ тендерда ғолиб бўлиб, хўжалигимизни кенгайтирдик.

Бизга узоқ муддатли ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилган ушбу ерларни суғоришга оқова сувлар йўқлиги учун Фарғона гидрологеология экспедиция давлат корхонаси билан бир дона тик қудуқни бурғулаш учун 138 миллион сўмлик шартнома туздик. Бир ой ичида қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли сув чиқариб, ишга туширишдик. Жуда хурсанд бўлдик. Ерларни текислаб, унумдор тупроқ олиб бориб тўкдик. Март ойида маҳаллий бозордан 4400 туп ўрик, 3000 туп шафтоли, 200 туп олма, 100 та ток, жами 7700 туп турли мевали кўчат қададик. Экиш ишларида ишчи ва оила аъзоларимиз билан биргаликда қирқ нафар киши иштирок этди. Ердан унумли фойдаланиб келяпмиз. Ярим гектар жойга картошка, тўрт гектарига пиёз, бир ярим гектар ерга ловия, бир гектар ерга ошқовоқ, полиз экинлари экилди. Мақсадимиз юртимиз бозорларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш. Мева маҳсулотларини эса 2018–2019 йилларга бориб бозорларга чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Қолаверса, экспортбоп меваларни ҳам кўпайтирмоқчимиз. 2015 йилда жами 35,2 гектар ерни ободонлаштириб, жами 9510 туп кўчат экдик. Бу ишларда амалий ёрдам кўрсатаётган, кенг имкониятлар яратиб берган давлатимизга, вилоятимиз ва туманимиз ҳокимликлари мутасаддиларига миннатдорлик билдирамиз. Боғлардаги меваларидан олинаётган даромад қирқ оиланинг фаровон турмушини таъминлаяпти. Элимиз дастурхони тўкин-сочин бўлишига ҳисса қўшаётганимиздан бахтиёрмиз.

Насивали каби ёш, ғайратли тадбиркор-фермерларимиз юртимизда мустақиллик шарофати билан ер ўз эгасини топганидан руҳланиб, сизу бизнинг дастурхонимиз тўкин-сочин бўлиши учун учун меҳнат қилишни шараф деб биладилар.

Нодира НАЗАРОВА

ИНСОН ҚАДРИНИ МЕҲНАТ ОШИРУР...

ЧИН ХАЗИНА

Хазина!
Бу кимлар учун машина, уй, ҳисоб рақами, корхона; кимлар учун умр бўйи йиққан осориатиқалари, яна кимларгадир маркалар коллекцияси...
У учун эса хазина умуман бошқа нарса...

Мен у ҳақида отамга сўзлаб берганимда, бунга эътиборсиз қарагандек туюлди. Кунларнинг бирида отам катта қопда ток қаламчаларини олиб келди. Кейин биргалашиб ҳовлимиздаги токнинг ҳам ортиқча новдаларини қирқиб чиқдик...

У ҳақида менга бир киши ҳикоя қилиб берди. Бекор ётган ерга юз мингдан ортиқ ток қаламчасини қадаганида ҳеч ким унинг бу ишидан бирор фойда кўришига ишонмаган. Аммо у бошқа вилоятлик боғбонлар билан етмиш мингта кўчат етказиб беришга шартнома тузганида ҳамма унинг ишбилармонлигига қойил қолади. Ахир, гап кўчатларнинг донасини минг сўмдан ҳисоблаганда ҳам, етмиш миллион сўм ҳақида кетяпти. "Ана, чўпдан бойиган одам", дейди ҳамсуҳбатим машинада ўтиб кетаётган бир кишини кўрсатиб...

Унинг кимлиги, қаерданлигига тўхталиб ўтирмаймиз. Бундай инсонларни юртимизнинг исталган жойидан топиш мумкин. Улар туфайли дала-боғларимиз обод, бозорларимизда нозneъматлар сероб, дастурхонимиз тўкин.

Отам ўша ҳикоядан кейин ҳовлимизнинг анчадан бери бўш ётган ерига ток қаламчаларини қадади. Фойда қандай бўлди, дейсизми? Бу муҳим эмас. Муҳими, кимнингдир ишбилармонлиги бошқа бир инсонда меҳнат қилишга рағбат уйғотди. Бунинг аҳамиятини ҳеч қандай хазина билан таққослаб бўлмайди. Дарвоқе, хазина ҳақида гаплашаётган эдик.

Турмушнинг оғир дамларида хаёлингиздан ҳеч йўқса бир бор: "Қанийди, хазиналар ороли, сирли сандиқлар, қайнар хумчалар ҳаётда бўлса" деган ўй ўтганми? Э, эртакларни қўйинг. Ахир, ҳар бир қадамимиз мўъжизалардан иборат-ку! Асл хазина бизга ато этилган муқаддас тупроғимиз эмасми?!

"Бу заминга ёлғондан чўп қадасанг, чиндан ҳосил беради" деган гапни кўп эшитгансиз. Бу гапга бироз эътироз билдирамиз. Нега энди "ёлғондан чўп қадасанг" дейдилар? Бугуннинг одами ҳатто чўпни ҳам ерга аниқ ҳисоб-қитоб билан қадайди. Юқоридаги мисолда кўрдикки, бундай ҳисоб-китоблар ўз натижасини бермай қолмайди...

– Институтимиз билан ўзаро тажриба алмашиш, ютуқлар билан ўртоқлашиш учун Болгариядан бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюрди, – дейди Қарши давлат муҳандислик ва иқтисодиёт институти инглиз тили ўқитувчиси Бунёд Холиёров. – Мен уларга таржимонлик қилдим. Кўпчилиги агрономия мутахассислари бўлгани учун вилоят бўйлаб интенсив хўжаликларни, аҳоли томорқаларидаги иссиқхоналарни кўрсатдик. Бир меҳнаткашнинг хонадонига кирганимизда улар ҳайратларини яшира олмадилар. Ҳовли бутунича иссиқхонага айлантирилган ва унда фақат бодринг экилган эди.

Меҳмонларнинг ҳайратига сабаб ўша одамнинг миришкорлиги ва режаларини ўз томорқасида амалга оширгани эди. Сиз бундан ҳам омилкор деҳқонларни биларсиз балки. Улар ўз оиласининг, демакки, ватанимизнинг фаровонлигига ҳисса қўшиб келишмоқда. Лекин бир нарса бизни ажаблантиради: нега юртимизнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида одамлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга уринишади-ю, аҳоли нисбатан тарқоқ жойларда ерга эътиборсизроқ қарайдилар...

Наврўз арафаси эди. Қишлоққа бордим. Ҳар кўчада байрам, ҳар кўчада сайил... Ҳамма топган-тутганини дастурхонга тўккан.

Икки ҳамсоямизнинг суҳбатига қулоқ тутдим:

– Ҳовлимдаги бедапоя-ни бузиб, экин экмоқчи эдим, нима дейсиз, қўшни?

– Сизга ҳам ҳайронман-да. Экин экиб нима қиласиз? Ана, чорвангиз бор, шуни эплаштириб юравермайсизми? Мени қаранг: ўн саккиз сотих томорқамнинг ҳаммасига макка экиб ташладим. Экин-пекин деб бош оғритиб ўтирмадим...

Қишлоқ одамларининг соддагина суҳбати мени ўйга толдирди. Дарсликда ўқиганим эсимда: Франция аҳолисининг атиги олти фоизи қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд. Лекин бу давлат дунёда озиқ-овқат экспорти бўйича иккинчи ўринда туради. Бу ўринга эришиш учун бошқа омиллар ҳам таъсир қилгандир, бироқ давлатнинг 4 миллионга яқин аҳолиси меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалигининг аҳамияти беқиёслигини тушуниш қийин эмас. Бизда-чи? Қишлоқнинг ҳар бир хонадони, шаҳарнинг аксар оилалари ўз касб-коридан ташқари қўшимча даромад манбаига – шахсий томорқасига эга бўлса, бу ҳам тараққиёт ва фаровонлик омилларидан бирига айлана олмайдими?

Бугунги иқтисодий шароит инсондан ўз қўлидаги ҳар бир имкониятдан, ҳар қарич ердан унумли фойдаланишни тақозо қиляпти. Фарзандларни меҳнатга ошно қилиш, уларда ерга нисбатан меҳр уйғотиш томорқадан бошланмасмикан?

Хазина!

Бу кимлар учун машина, уй, ҳисоб рақами, корхона; кимлар учун умр бўйи йиққан осориатиқалари, яна кимларгадир маркалар коллекцияси...

Биз учун эса хазина умуман бошқа нарса...

Дарвоқе, ток кўчати керак бўлса, айтаверинг етказиб берамиз...

Сухроб ЗИЁ,
ЎзДЖТУ талабаси

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОАВнинг РОЛИ

ТАДБИР

Инсон атрофдаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиши, уларга муносабат билдириши учун оммавий ахборот воситалари бугун ҳар қачонгидан-да муҳим воситадир. Куни кеча "Жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг роли ва иштироки" мавзуида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташкил этган матбуот анжуманида ушбу масалага эътибор қаратилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Матбуот ва ахборот агентлиги вакиллари, ОАВ ходимлари, журналист кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, уюшма қошидаги "Ёш журналистлар клуби" аъзолари иштирок этди.

Тадбирда, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш борасидаги ролини кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиб бориш, мухтасар айтганда, бу борада ахборот эркинлигини таъминлаш демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бинобарин, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу мақсадларга аҳамият қаратилиб, бу борада комплекс чора-тадбирлар изчил ва тизимли олиб борилмоқда. Аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу, ўз навбатида, ОАВнинг ҳаётимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда, демократик янгиланишларда, энг муҳими, одамлар тафаккури ва онгини юксалтиришда фаол иштирок этишига зарур шароит яратмоқда.

— Президентимиз таъбири билан айтганда, оммавий ахборот воситаларини фикр-мулоҳазаларни очиқ айтадиган минбарга айлантириш, уларда долзарб муаммоларни олиб чиқиш, шу асосида жамоатчилик назоратини таъминлаш кун тартибидаги масалалардан биридир, — дейди Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Салим Дониёров. — Шунга кўра, ОАВда танқидий-таҳлилий мақолаларнинг йилдан-йилга кўпаяётгани ҳам мақсадга мувофиқдир. 2012 йилда бундай материаллар 600 дан зиёдроқ бўлган бўлса, ўтган йили 3,5 мингдан ошган. Жорий йил биринчи чорагида эса 700 га етган. Шундан 500 таси таҳлилий, қолгани танқидий мақолалар. Ҳудудлар бўйича таҳлил қилганимизда бундай материалларни ОАВда чоп эттириш бўйича Тошкент ва Самарқанд вилоятлари етакчилик қиляпти. Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистондан эса жуда кам. Демак, ҳудудлардаги ҳамкасбларимиз бу камчиликларни бартараф этишга эътибор қаратишлари керак...

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2014 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни мазкур йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Унда давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик институтларини кенг жалб қилиш орқали давлат органлари фаолиятининг очиқлик ҳамда самарадорлик даражасини ошириш, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг кенг иштирокини таъминлаш чоралари кўзда тутилгани ижобий натижаларни беряпти.

Қонун нормаларининг жойларда изчил ижро этилаётгани аҳолининг ҳамда жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввалambor, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлари ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлишини таъминламоқда.

Тизимда эришилаётган ютуқлар кўп. Бироқ бугунги давр, қолаверса, соҳа фаолияти таҳлили мазкур жараённи янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВ ролини кучайтириш, шунингдек, давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ахборот хизматлари фаолиятини фаоллаштиришни тақозо этмоқда.

Матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш, ахборот хизматлари самарадорлигини оширишда бугунгидек тадбирлар ўтказиш, танқидий-таҳлилий мақолалар ва шарҳларни кўпайтириш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Анжуман сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ тайёрлади.

ДАСТУР ИЖРОСИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

АНЖУМАН

17 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда ОАВнинг роли ва ўрни" мавзусида анжуман ўтказилди.

Унда Парламент Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳр ҳокимликлари ахборот хизматлари вакиллари, шунингдек, марказий ва ҳудудий ОАВ журналистлари иштирок этишди.

Мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўтган йиллар мобайнида соғлом авлод туғилиши ва тарбияси — миллат генофонди, оилада тиббий маданият, аҳолининг турмуш сифати ва давомийлигини яхшилаш бўйича мақбул шароитларни яратишга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

— Дастур доирасида хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда Ходжаева. — Хусусан жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланди. Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга нисбатан жиноят қонунчлигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда.

— Жорий йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан бири сифатида. қишлоқ туманларида истиқомат қиладиган аҳоли, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари кабиларни барпо этиш билан боғлиқ ишлар амалга ошириб келинмоқда. Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жойлар барпо этиш, узунлиги 296,3 километрлик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқларини қуриш кўзда тутилган.

Шунингдек, тадбирда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш, хусусан, перинатал ва скрининг марказлари, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш, патронаж ҳамшираллар, акушер гинеколог ва педиатр кадрларнинг салмоғини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз борди. Хусусан, қишлоқ ҳудудларидаги тиббиёт санитария ёрдами, тиббий жиҳозлар билан таъминланган ногирон болаларга хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг шароитларини яхшилаш, Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарларидаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаларини капитал таъмирлаш, болалар ва туғруққа ёрдам бериш муассасаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш, Тошкент тиббиёт академияси қошида Республика диетология илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Рўзиқул Фозилбеков "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда эътироф этилгани, мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага камайгани, бу эса Ўзбекистонимизнинг БМТнинг мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганлигини таъкидлади.

Тадбирда Давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун 1,7 мингдан ортиқ спорт заллари барпо этиш, соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини ошириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига қаратилган ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Умуман, Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 7,483 триллион сўм ва 194 миллион доллар сарфлаш кўзда тутилган. Шубҳасиз, амалга оширилаётган ишларни янада изчил давом эттириш ва бу борадаги янги ташаббуслар мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазаси, баркамол авлод тарбияси бўйича шакллантирилган тизимни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Анжуман иштирокчилари Давлат дастурида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамжиҳатликдаги ҳамкорлигига боғлигини қайд этдилар.

Иштирокчилар томонидан таъкидланганидек, анжуманнинг ижобий жиҳатларидан бири унда марказий ва ҳудудий ОАВ вакиллари, давлат органлари ахборот хизматлари ходимларининг иштироки ОАВда кенг ёритишга қаратилган Давлат дастури доирасида амалга оширилиши белгиланган муаллифлик материалларининг бадиийғоявий даражаси, сифатини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" республика танловининг натижалари бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг қимматли совғалари ва махсус дипломлари топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ахбороти хизмати раҳбари — Есимқан Қаноатов фондининг махсус дипломини олганидан ғоятда руҳланиб шундай деди:

— Дастур доирасида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш масаласи, коллеж битирувчилари учун яратилаётган шароитлар, "Бизнес клублар"ларнинг ташкил этилаётгани, ёшларга яратилаётган имкониятлар хусусидаги мавзуларни ёритиш ниятим бор. Бизнес борасида изланаётган ёшлар келгусида, нафақат ўзи, балки ён-атрофидаги тенгдошларини ҳам иш жойига эга бўлишига сабаб бўлади. Ўз иш ўрнига эга бўлиш соғлом ва фаровон муҳит деганидир.

Анжуман сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олишди, шунингдек, Давлат дастурини амалга ошириш устидан самарали жамоатчилик ўрнатишда ОАВ нинг роли масалаларида ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Малика АҲМЕДОВА

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг камтарлиги, камсуқумлиги ҳар бир ҳаракатида акс этиб туради. Носир Тоиров билан ҳар гал гурунг қилганимда ўзимда руҳий тетиклик ҳис қиламан. Бу серзавқ, ҳаракатчан инсоннинг эзгу ишларидан ҳайратга тушаман.

ИЖОД ЗАВҚИ — ҲАЁТ ҚУВОНЧИ

Ҳайрат шуки, Носир ака 20 йилдан буён мунтазам равишда жамоатчилик асосида "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарида таржимонлик қилишдан ташқари ушбу газеталар саҳифаларида ўз мақолалари билан қатнашиб келади.

Хўш, нима бўпти, дерсиз? Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Лекин Носир ака бир ўтиришда уч-тўрт соат мобайнида газеталаги материалларни пишиқ-пухта, эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда ўзбек тилидан рус тилига тўғридан-тўғри таржима қилади.

Носир ака бир куни Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг бир шеърини кўтариб келиб қолди. "Жуда яхши шеър экан, сизга илиндим", — деди. Мен ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, Носир Тоиров ўзбек халқининг атоқли ижодкорлари — Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир каби кўп шоирларнинг шеърларини ўз вақтида рус тилига қотириб таржима қилган экан. Мана, унинг шоирлиги, серзавқлиги қайдан экан, деб хулоса қилдим. Йўқ, бу сафар янглишибман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборовнинг "Ўзбекистонда ким яхши яшайди?" асарининг рус тилидаги таржимасини мутолаа қилиб, Носир акани янгидан, қайта кашф қилгандай бўлдим.

— Тўғри, мен шоир ёки ёзувчи бўлмадим. Лекин адабиётга қизиқишим ҳеч қачон сўнмаган. Вақти-вақти билан у-бу нарсаларимнинг вақтли матбуотда чоп этилиши, кўплаб адиблар билан мулоқотда бўлишим мени бир умрга адабиёт оламига мухлис қилиб қўйди, — дейди камтарлик билан Носир ака.

Ҳозирги глобаллашув ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви даврида чет тилларини билиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларини ўргатишга давлат даражасида катта эътибор берилмоқда. Давлат тилини билиш билан бир қаторда битта ёки бир нечта бошқа тилларда эркин сўзлаша олиш давр талабидир.

Шу ҳақда Носир аканинг дунёқараши билан қизиқдим.

— Ўйлашимча, чет тилларини билиш нафақат инсоннинг касбий қобилиятларини яхшилайди, балки унинг ички дунёсини ҳам бойитади, дунёқарашини кенгайтиради, маданий даражасини оширади, бошқа мамлакат ва халқларнинг тарихий мероси ҳамда ҳозирги маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргатади, — дейди у.

Таржимон нафақат адабий тилни, балки техника тилини, атамаларни, мавзуни яхши билиши ва умуман, талаб даражасидаги маданий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиши лозим бўлади.

Носир аканинг халққа, адабиётга фидойилик билан хизмат қилишининг боиси ҳам ана шунда. У наинки ижоддан завқ олади, балки унинг қувончи билан яшайди.

Нурулла ОСТОНОВ

Фикрни ҳаммага тушунарли тарзда етказиб бериш осонми? Муҳандисга ҳам, деҳқонга ҳам, сотувчи-ю иқтисодчига ҳам бирдек равшан тилда гапириш катта маҳорат талаб этади. Журналист ана шу маҳоратга эга бўлиши шарт.

ОАВда тил, услуб, таҳрир

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган тадбир ана шу масалага бағишланди. "Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида журналистика факультети магистрлари ўз маърузалари билан иштирок этди.

Журналистик асар қисқа, лўнда, тушунарли бўлиши керак, матн таъсирчанлигини оширувчи воситалар содда, иложи борича халқчил бўлсин, дейди устозларимиз. Шу билан бир қаторда журналистдан таҳрир санъатини пухта билиш ҳам талаб этилади. Ўймакор-наққошнинг қўли оддий ёғочдан гўзаллик яраттани каби таҳрир устаси матнни сўз санъатининг юксак намунасига айлантира олиши мумкин.

— Журналистик асарни таҳрирсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яхши таҳрирчи бўлиш учун қуйидаги босқичлардан ўтиш лозим: аввало, адабий тил меъёрларини мукаммал билиши лозим, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Зоир Тоҳиров. — Иккинчидан, адабий тил услубиятини билиш зарур. Баъзида биргина сўз, қўшимча ёки тиниш белгисининг нотўғри қўллангани оқибатида маъно тубдан ўзгариб кетиши, бунёдкор ғоя вайронкорга айланиб қолиши мумкин. Кейинги талаб — мантиқий кетма-кетликни аниқлай олишдир. Бу нуқтада муҳаррирдан зийраклик, мантиқий тафаккур, кенг дунёқараш талаб этилади. Адабий таҳрир босқичи эса нисбатан мукаммал бўлиб, бу нуқтада матн журналистик асар талабларига жавоб берадиган даражага етади. Таҳрир давомида эътибор қаратилиши керак бўлган асосий масала муаллиф услубининг сақланишидир.

Журналист доим инсонлар билан мулоқотда бўлади. Бу жараёнда этика, эстетика қоидаларига амал қилиши, шунга монанд иш олиб бориши керак. Тажрибаларда синалган бир ҳақиқат бор: журналист қанчалик хушмуомала бўлиб, мулоқот жараёнида ўзини камтар тутса, суҳбатдошда ўз қобиғидан чиқиб, дилдан суҳбатлашиш истаги туғилади.

— Инсонлар билан мулоқоти давомида журналистнинг коммуникатив компетентлиги кўп нарсани ҳал қилади, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Латофат Тошмуҳамедова. — Мутахассислардан бири яхши тингловчи бўлган инсонгина яхши нотиқ бўла олади, деган эди. Фаолиятим давомида кўп журналистларни кузатганман ва шунга амин бўлганманки, аксарият ёшларда суҳбатдошни тинглаш қобилияти шаклланмаган. Агар суҳбатдошнинг фикри бўлинса, журналистик материалнинг мазмунига путур етиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмайди. Тинглаш санъати суҳбатдошни объектив баҳолашга ёрдам берувчи асосий омилдир. Коммуникатив компетентликни ўргатувчи курслар ташкил қилинса, самарали мулоқотни йўлга қўйиш учун юзага келаётган муаммолар бирмунча бартараф этилар эди.

Матбуот саҳифаларини рекламаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Реклама матнлари кўп ҳолларда талабга жавоб бермайдиган тарзда танланади. ОАВдаги энг кўп имловий ва услубий хатолар айнан шу матнларда кўринади. Реклама матни қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак. Масалан, "Сиз учун қулай шароитлар яратилади, индивидуал хизмат кўрсатилади" дейишади. Хўш бу жумладан нима тушунилади? Қандай шароит яратилишига, индивидуал хизмат қанақа бўлишига ким изоҳ беради, бу каби саволларга ўрин қолдирмаслик керак, аслида.

— Реклама матнларидаги "янги", "сиз учун", "энг яхши", "сифатли", "ажойиб", "бунақаси ҳали бўлмаган" каби бир қатор одатий, такрорланиб келувчи сифатлар кишини зериктириб қўяди, — дейди ЎзМУ журналистика факультети магистранти Жамила Асқарова. — Реклама маҳсулот ёки хизматни оммага танитиш учун ишлаб чиқилар экан, акс таъсир қилувчи матнлардан воз кечган маъқул. Инсон доимо янгиликка интилиб яшайди. Энг самарали реклама матни аниқ, қисқа, лўнда далилларга бой бўлади. Агар далил учун кўп сўз керак бўлса ҳам чўчишнинг ҳожати йўқ. Сабаби, аудитория учун қуруқ гаплардан кўра аниқ исботлар муҳимроқ.

Электрон ва босма ОАВнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари бор. Масалан, электрон ОАВда қисқа, лўндалик устунлик қилса, босма ОАВда фикрни бемалол ифода этиш имконияти бор. Бу ҳақда ЎзМУ журналистика факультети магистранти Гулрухсор Худойбердиева тўхталиб, шундай деди:

— Электрон ОАВнинг аксариятида таҳрир талаб жумлалар борлигига кўз юмиб бўлмайди. Бунинг сабаби кўпчилик сайтларда таҳрир билан шуғулланувчи алоҳида масъул шахснинг йўқлиги, назаримда. Улар кўпроқ тезкорликка эътибор беришади. Босма ОАВда эса таҳрирга, мақола тили ва услубига катта эътибор қаратилади ва биргина мақола бир неча босқичда таҳрир қилинади. Электрон ОАВда ҳам шу тизим йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сарлавҳа — ярим мақола. Унинг оригиналлиги мувафақиятнинг дебочасидир. Шу боис ҳам баъзан сарлавҳалар узоқ ўйланиб танланади. Баъзан эса ижодкорлар аввал сарлавҳа топиб, кейин шунга мос матн ёзишади. ОАВда сарлавҳаларнинг таҳлили бўйича ЎзМУ журналистика факультети 1-курс магистранти Назокат Камолова тўхталиб ўтди.

Конференция сўнгида таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашди.

Анжуман давомида янграган фикр-мулоҳазалар, билдирилган таклиф ҳамда тавсиялар талабалар ва соҳада энди иш бошлаётган ёш мутахассисларга дастуриламал бўлиши, шубҳасиз. ОАВ фаолият юритар экан, тил, услуб, таҳрир масалалари долзарблигича қолаверади. Демак, бу каби конференцияларга ҳамиша эҳтиёж бор...

Шоҳсанам КОМИЛОВА, "Hurriyat" мухбири

Табиатга меҳрибон бўлайлик

ЭКО ШАРҲ

Инсоният табиатнинг бир бўлаги, у билан қондош ва эгизак. Эволюциянинг қисқа бир жараёнида она сайёрамизда ерларнинг ўзлаштирилиши, ўрмонларнинг кесиб ташланиши, асов дарёларнинг бўйсундирилиши айни кунда иқлим ўзгариши, глобал исиш каби ва бошқа кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқараётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Инсониятнинг ҳар бир хатти-ҳаракати табиатга маълум даражада таъсир кўрсатаётганини умуман қиш бўлмайдиган жойларга тўсатдан қорлар ёғиши ёки яшнаб турган ҳудудларнинг қисқа бир даврда чўлга айланиши каби офатлардан ҳам билса бўлади. Табиатга инсоннинг таъсири, бунинг натижасида юз бераётган ҳар бир йўқотиш эса эртага жуда қимматга тушиши шубҳасиз. Зотан, наботот ва ҳайвонот дунёсидаги мавжуд ҳар бир ўсимлик ёки митти жонзотнинг ўз вазифаси бор. Аниқроқ айтганда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қашшоқлашиб, табиий биохилма-хилликнинг камайиб бориши охир-оқибатда табиий мувозанатнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Бу эса турли-туман табиий фалокатларга олиб келиши мумкин.

Айни кунда жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқ-тартиботни ҳимояловчи идоралари жиноятчиликнинг янги турлари, жумладан ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан боғлиқ янги жиноятлар пайдо бўлаётганидан бонг уришмоқда. Олимларнинг фикрича, инсонларнинг айби билан сайёрамиздаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси табиий жараёндан минг баробар тезликда йўқолиб бормоқда. Бу бир кунда 10 тадан 130 тагача ҳайвон, парранда ва ўсимлик тури йўқ бўлиб бораётганини англатади. БМТ биохилма-хилликни асраш Комиссиясининг 2010 йилдаги ҳисоботига кўра мутахассислар ҳозирги вазиятни 65 миллион йил аввал динозаврларнинг йўқ бўлиб кетиши билан таққослайди. Бугунги кунда ер юзидаги ҳайвон ва ўсимликларнинг 40 фоизи йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Вазият шу ҳолда сақланиб қолса ёки тезлашадиган бўлса, у ҳолда яқин ўн йилликда кўплаб ҳайвон ва ўсимликлар йўқ бўлиб кетиши аниқ. Она еримизда биохилма-хиллик йўқолар экан, глобал экологик муаммолар пайдо бўлиши шубҳасиз.

Буюк Британиядаги табиатни муҳофаза қилувчи ташкилот вакилларининг фикрича, агар мавжуд муаммоларнинг олди олинмайдиган бўлса у ҳолда орадан 20 йил ўтиб, ёввойи табиатда фил ва каркидонлардан асар ҳам қолмайди. Ҳар йили браконьерлар томонидан Африкада 35 мингта яқин фил ва мингдан ортиқ каркидон ўлдирилади. Бунга "қора бозор"да фил суяги ва каркидон шоҳига талабнинг ортиб бориши сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш керакки, ўтган асрнинг 70-йилларида Африка қитъасида 1 миллион 200 минг фил рўйхатга олинган бўлса, айни кунда уларнинг сони 400 мингта. Кения Африка филлари бутунлай йўқ бўлиб кетган мамлакатлар қаторига кирган. Бурунди, Гамбия, Мавритания ва Свазиленда ҳам филлар йўқолиб кетди. Айни дамда филлар бир қатор мамлакатларда давлат муҳофазасига олинган.

Жаҳондаги каркидонларнинг 93 фоизи Жанубий Африка Республикасида яшайди. Мазкур мамлакатда авваллари бир йилда ўлдирилган каркидонлар эндиликда бир ҳафтада йўқ қилинмоқда. Браконьерлар жониворларни ўлдириб, фақат шохларини кесиб олишади. Вазият шу даражага етиб бордики, эндиликда ҳукумат Крюгер Миллий боғи чегараларини қўриқлашга мунтазам армия бўлинмаларини юбормоқда.

Каркидон шохининг оғирлиги 15 килограммни ташкил қилиб, ҳар бир килограмм учун 65 минг доллар тўланади. Бу ниҳоятда қиммат ҳисобланади. Каркидон шохидан асосан шарқ табобати ва заргарлик маҳсулотларини ясашда фойдаланилади, Тўғри, Европа мамлакатлари бунга қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Масалан, Францияда фил суяги ва каркидон шохидан ясалган буюмларнинг аукционга қўйилиши тақиқланди. Европадаги бир қатор музейларда каркидон шохлари беркитиб қўйилмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноқонуний савдо айланмаси бир йилда 8–10 миллиард долларни ташкил қилади. Экзотик ҳайвонлар савдоси даромад топиш бўйича ноқонуний гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ ва одам савдосидан кейинги тўртинчи ўринда туради. Браконьерлар нафақат фил ва каркидонлар ҳисобига, балки Амазонка ҳавзасида яшовчи ноёб паррандалар ҳисобига ҳам кун кечиради. Бразилиядаги бир дона ноёб ва чиройли тўтининг баҳоси 90 минг долларга тенг эканлиги кўп нарсани англатади.

Бу иллатга қарши халқаро шартномалар қабул қилинаётган, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари кўраётган чора-тадбирларга қарамай ҳайвонлар қимматбаҳо терили, суяги ва гўшти учун овланишда давом этмоқда. Бунинг оқибатида эса сайёрамиздаги биохилмахиллик кун сайин қисқариб бормоқда. Инсоният тарихидаги бу галги ҳайвонот дунёсининг йўқ бўлиб кетиши ҳисоб бўйича олтинчиси экан. Бундан аввалги беш марта биохилма-хилликнинг йўқолиши оқибатида қандай фожеалар юз берганини тахмин қилиш мумкин. Энг фожиали томони шундаки, бу гал биохилма-хиллик инсонларнинг айби билан йўқолмоқда. Уч авлод кўз ўнгида ҳайвонларнинг оммавий қирилиши рўй бермоқда.

Айни пайтда Жаҳон Ёввойи табиати рўйхатига йўқолиб кетиш арафасида турган ўнлаб ҳайвонлар киритилган. Бу рўйхатда йўлбарслар ҳам бор. Кучли жонивор бўлмиш йўлбарслар XX асрда 95 фоизга камайиб, Бали, Турон ва Ява йўлбарслари бутунлай йўқ бўлиб кетди. Ҳозирча ёввойи табиатда фақат бенгал, амур, Ҳиндихитой, Суматра ва Малайзия йўлбарслари сақланиб қолинган. Табиатдаги йўлбарсларнинг 80 фоизини Бенгал йўлбарслари ташкил қилади. Йўлбарсларнинг йўлйўл терисига қизиқиш эса йилдан йилга ўсиб бораётир.

Тропик ўрмонларнинг аёвсиз қирқилиши ҳам ёввойи ҳайвонларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Йўқолиб бораётган ҳайвонлар орасида шимпанзе ҳам бор. Ўрмонларнинг йўқ қилиниши, гўшти учун браконьерлар томонидан овланиши сабабли сўнгги 20-30 йилда шимпанзелар сони жуда камайиб кетган. Ғарб горилласи ҳам йўқ бўлиб кетиш арафасида. 2007 йилда ғарб горилласи Қизил китобга киритилган. Браконьерлик, ўрмонларнинг қирқилиши, иқлим ўзгариши ва ниҳоят эбола вируси уларнинг йўқолишига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги ва йўллар қурилиши мақсадида ўрмонларнинг йўқ қилиниши орангутан маймунлари учун фожиа бўлди. Бундан ташқари, браконьерлар орангутанларнинг болаларини ўғирлаб кетиши ҳам уларнинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

XX аср бошларида 200 мингдан ортиқ фил тошбақаси йўқ бўлган. Яъни Чарлз ва Барингтон ороллари да тошбақалар бутунлай йўқ бўлиб кетган. Европалик денгизчилар Галапагос оролини кашф қилганларидан сўнг бу ердаги фил тошбақаларидан "тирик консерва" сифатида фойдаланишган. Шунингдек ерлар ўзлаштирилиши туфайли тошбақаларнинг кўпайиши камайиб кетди. Айни дамда фил тошбақаларининг сони 19 мингтани ташкил қилади. Авваллари фил тошбақаларининг 15 та тури бўлган бўлса, эндиликда атиги 9 та тури сақланиб қолган.

Қачонлардир гепардлар Африканинг барча ҳудудларида, Яқин Шарқ ва Осиёнинг марказий қисмларида учрар эди. Ҳозир эса уларни фақат Африканинг Сахрои Кабирида ва Осиёда оз сонда учратиш мумкин. Сўнги 20 йилда гепардлар сони 30 фоизга қисқарди. Греви зебраси Шимолий Африка ҳудудларида қадимдан яшаб келади. Бу жонивор 1970 йилларда 15 мингта яқин эди. Айни дамда ёввойи табиатда яшовчи Греви зебраси 2 минг 500 дан ошмайди. Сўнги ўн йилда жаҳонда бегемотлар сони 20 фоизга қисқарди. Яқин 30 йил давомида уларнинг сони 30 фоизга қисқариши кутилмоқда. Маҳаллий аҳоли бегемотнинг гўшти ва суяги учун уни овлайди.

Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиёда учрайдиган дунёдаги энг заҳарли жонивор ҳисобланган бўлмиш Қирол кобраси ҳам камайиб бормоқда. Браконьерлар унинг териси ва заҳарига қизиқадилар.

1950 йилда 400 мингта Африка шери мавжуд эди. 2002-2004 йилларда улар сони 47 мингдан 16 ярим мингтагача камайиб кетди. Бунга юқумли касалликлар, уларнинг бетўхтов овланиши сабаб бўлмоқда. Айни дамда Африка шерларини сақлаб қолиш мақсадида бир қатор мамлакатларда Миллий боғ ва қўриқхонлар ташкил этилган. Катта пандани бугунги кунда Хитой марказидаги тоғларда, асосан Сичуань, Ганьсу ва Шэньси вилоятларида учратиш мумкин. Қадим-қадимдан пандани нинг терисига қизиқиш катта бўлган. Пандаларнинг кўпайиши йилдан йилга камайиб кетмоқда. Айни дамда ер юзида 1 минг 600 дона панда бор, холос.

Табиатни муҳофаза қилиш Жаҳон уюшмаси маълумотларига кўра, 2008 йилда оқ айиқлар сони 20 мингдан 25 мингтагача бўлган. Бироқ йилдан йилга оқ айиқлар сони қисқариб бормоқда. Глобал иқлим ўзгариши оқибатида Арктика музлари эримоқда. Бу эса оқ айиқларнинг турмуш тарзининг ўзгаришини англатади. Сўнгги 45 йилда оқ айиқлар сони 30 фоизга камайди. Яна 100 йилдан кейин ер юзида битта ҳам оқ айиқ қолмаслиги ҳавфи бор.

Китлар асрлар давомида балиқчилик саноатининг ўзаги бўлиб келган. Илк бор 1608 йилда гўшт ва ёғи учун кит овлангани айтилади. 1868 йилдан 1965 йилга қадар 181 минг 400 дона кит овланган. 1996 йилда китларнинг сони 90 фоизга камайиб кетди. Вазиятдан хавотирга тушган Китларни овлаш халқаро комиссияси 1996 йилда букри китларни овлашни бутунлай тақиқлади. Бугунги кунда китлар ови чекланган бўлиб, йилнинг маълум вақтида Бекия ороли соҳилларида овланади.

Аввал юз берган беш марта оммавий йўқ бўлишларга кучли вулқон отилиши, сайёрамизнинг йирик астероидлар билан тўқнашуви сабаб бўлган эди. Энди эса инсониятнинг ўзи ер юзида тирикликнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. 1500 йилдан шу кунга қадар саноат ривожланиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли ёввойи табиатда ҳайвонларнинг 320 дан ортиқ тури йўқ бўлиб кетган. Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг камайиб кетиши иқлим ўзгаришларига салбий таъсир кўрсатишини асло ёддан чиқариш керак эмас.

Стэндфорд университети олими, биолог Родольфо Дирцонинг сўзларига қараганда, бугунги кунда ер юзидаги ҳайвонларнинг 16 фоизидан 33 фоизи бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида. Буларнинг ҳаммаси биз инсонларнинг айбимиз билан юз бераётир. Она сайёрамиз нафақат инсонларнинг, балки катта ва кичик, йиртқич ва мулойим, хунук ва чиройли ҳайвонларнинг ҳам ватани эканини унутмайлик. Нима бўлганда ҳам жониворларни сақлаб қолиш табиий мувозанатни сақлаб туришга хизмат қилади.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

Reklama

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

2016 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот - 30

Лот 30-1. Бухоро вилояти, Пешкў туманидаги 8-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
356 300 000 сўм (ҚҚС билан), 296 916 660 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Лот 30-2. Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги 4-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
356 300 000 сўм (ҚҚС билан), 296 916 660 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Лот 30-3. Бухоро вилояти, Олот туманидаги 5-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
356 200 000 сўм (ҚҚС билан), 296 833 330 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Лот 30-4. Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 13-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
435 500 000 сўм (ҚҚС билан), 362 916 660 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Лот 30-5. Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги 36-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
356 400 000 сўм (ҚҚС билан), 297 000 000 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Лот - 31

Лот 31-1. Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги 29-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
475 900 000 сўм (ҚҚС билан), 396 583 330 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Лот 31-3. Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 8-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
380 943 820 сўм (ҚҚС билан), 317 453 180 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Лот 31-4. Бухоро вилояти, Пешкў туманидаги 21-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —
345 300 135 сўм (ҚҚС билан), 287 750 113 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати —
2016 йил 30 сентябрь.

Қурилиш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектта ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатта эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: *Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.*

Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

Reklama

Фақат кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

ЛОТ -37.

ЛОТ-37.1. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги 24-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 458 635 434 сўм ҚҚС билан; 382 196 195 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-37.2. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Яссавий кўчаси 10-уйда жойлашган 32-сонли болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 410 012 508 сўм ҚҚС билан; 341 677 090 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-37.3. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Ж.Мангуберди кўчаси, 41-уйда жойлашган 23-сонли болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 467 121 549 сўм ҚҚС билан; 389 267 958 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-37.4. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Навбаҳор кўчасидаги 26-сонли болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 882 166 119 сўм ҚҚС билан; 735 138 432 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-37.5. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 33-сонли болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 428 194 541 сўм ҚҚС билан; 356 828 784 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ -38.

ЛОТ-38.1. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар А.Навоий мавзесидаги 21-сонли болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 997 204 668 сўм ҚҚС билан; 831 003 890 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-38.2. Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги 3-сонли болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 514 938 446 сўм ҚҚС билан; 429 115 372 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-38.3. Фарғона вилояти. Данғара туманидаги 6-сонли болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 428 854 804 сўм ҚҚС билан; 357 379 003 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ- 38.4. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Мингтут ҚФЙ, Мингтут қишлоғидаги 22-сонли болалар мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 429 668 858 сўм ҚҚС билан; 358 057 382 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ- 38.5. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Қумқишлоқ ҚФЙ Мингтут қишлоғидаги 23-сонли болалар мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 247 743 958 сўм ҚҚС билан; 206 453 298 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ -39.

ЛОТ-39.1. Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 19-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 496 129 323 сўм ҚҚС билан; 413 441 102 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-39.2. Фарғона вилояти, Фурқат туманидаги 30-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 527 478 186 сўм ҚҚС билан; 439 565 155 сўм ҚҚС сиз.

ЛОТ-39.3. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Бештерак қишлоғидаги 7-сонли болалар мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 422 322 059 сўм ҚҚС билан; 351 935 049 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ -39.4. Фарғона вилояти, Учқўприк туманидаги 16-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 819 599 895 сўм ҚҚС билан; 682 999 913 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ -40

ЛОТ-40.1. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Хонобод қишлоғидаги 13-сонли болалар мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 364 671 090 сўм ҚҚС билан; 303 892 575 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-40.2. Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги 2-сонли болалар мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 833 412 169 сўм ҚҚС билан; 694 510 141 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-40.3.Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 27-сонли болалар мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 522 020 055 сўм ҚҚС билан; 435 016 713 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-40.4. Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 6-сонли болалар мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш.

Бошланғич нархи: 659 711 629 сўм ҚҚС билан; 549 759 691 сўм ҚҚСсиз.

Юқоридаги объектларнинг топшириш муддати: 01.09.2016 йил.

Манзил: Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37- уй. Тел.:(0 595) 401-52-05,401-52-01.

Мукаммал таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови - 100%.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй. Телефон/факс: (0-373)244-68-90, 998-98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин(куни ва вақти хабарнома орқали малум қилинади), Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 36-уй ўтказилади.

АЛЛЕРГИЯ — ЎТИБ КЕТАДИГАН КАСАЛЛИК ЭМАС

САЛОМАТЛИК СОАТИ

Жамоат транспортига чиққан ўрта ёшлардаги аёлнинг зум ўтмай бир эмас, бир неча бор акса уриши йўловчиларнинг эътиборини тортди. Аёл теваракда унга соғлиқ тилаган ҳамроҳларига раҳмат айтаркан, «Узр, шу касаллик одамнинг тинкасини қуритди», дея хижолат тортган бўлди.

Дарвоқе, бугун касалликларнинг тури кўплиги кишини огоҳликка чорлайди. Биргина аллергия аталмиш хасталикнинг ўзи бир неча турларга бўлиниши ва ёш танламаслиги, қолаверса, наслдан-наслга ўтиши унга нисбатан кишини ҳушёр торттиради.

«Аллергия» тушунчаси тиббиётга 1906 йилда австриялик педиатр Клеменс Фон Пирке томонидан киритилган бўлиб, мазкур атама грекча: “allos” — бошқа, бегона ва “ergon” — таъсир, ҳаракат деган сўзлардан олинган. Булар «ўзга таъсир» деган маънони билдиради.

Айни пайтда Ер шари аҳолиси орасида аллергик касалликка чалинганлар 20 фоизни ташкил қилади. Ижтимоий таҳлиллар шуни кўрсатадики, аллергик касалликларга чалинганлар орасида 20-39 ёшли аёллар кўп экан. Шундай бўлса ҳам, хасталикка чалинганларнинг тахминан 70 фоизи меҳнатга яроқли шахслардир. Кимёвий воситаларнинг (бўёқлар, эритувчи ва кир ювиш кукунлари) ҳаётга кенг татбиқ этилиши, ишлаб чиқарилган газлар билан атмосферанинг ифлосланиши ҳам касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, аллергия организм тўқималарининг яллиғланиши билан кечадиган иммун реакциядир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу касаллик генга ҳам боғлиқ. Ирсиятни ўрганиш шуни кўрсатадики, аллергия билан оғриган беморларнинг 50 фоизида аждодлари мазкур касалликка чалингани аниқланган. Шуниси қизиққи, наслдан-наслга аллергик касалликнинг ўзи эмас, балки фақат унга нисбатан мойиллик ўтаркан. Мойиллик бўлса-да, касалликка чалинмаслик мумкин ёки аксинча, соғлом киши кўнгилсиз омиллар сабабли аллергияга дучор бўлиши ҳам бор гап. Бунда юқори нафас йўлларининг турли хасталиклари: грипп, ангина, гайморит уй ва гул чангига сезувчанликнинг ошишига имкон яратилади. Шундай экан, касалликка чалинмаслик, унинг профилактикаси билан шуғулланиш нафақат ўзимиз учун, балки келажак авлод муҳофазаси учун ҳам хизмат қилади.

Шу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун Тошкент вилояти Чирчиқ тери-таносил касалликлари диспансери дерматовенеролог, аллергологи Шерали Тагаевга юзландик.

— Ҳар бир инсон аввало аллергия бу нима, деган саволга жавоб топиши зарур, — дейди шифокор. — Шундагина уни самарали даволаш мумкин. Бугунги кунда атроф-муҳит ифлосланиши оқибатида аҳоли ўртасида аллергия касаллиги билан оғриганларнинг сони ортиб бораётир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, касалликка чалинган ота-онадан дунёга келган фарзандларнинг 60-80 фоизи аллергия билан оғриши мумкин. Бу аллергонлар (кимёвий моддалар, микроблар ва уларнинг ҳаётий фаолиятида ҳосил бўладиган маҳсулотлар, яъни озиқ-овқатлар) таъсирида организмнинг ўта сезгир бўлишидир. Аллергик касалликларнинг турли кўринишлари мавжуд: улар бронхиал астма, поллинозлар, эшакем, аллергик тумов, озиқ-овқат аллергияси ва бошқалар. Касаллик келиб чиқишига ноқулай иқлим шароити, экологиянинг бузилиши, кимёвий моддалардан фойдаланиш, техника, саноат тараққиёти сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, аллергия тараққиёт касаллигидир. Барча касалликлар каби аллергиянинг ҳам олдини олиш ниҳоятда муҳим. Бунинг учун аҳолининг тиббий саводхонлиги юқори бўлиши керак. Шундагина, бемор салбий оқибатлар юзага келмасдан туриб шифокорга мурожаат этади.

Яна бир жиҳати, аксарият ҳолларда ўзи ёки турмуш ўртоғи аллергия билан оғриган ҳомиладор аёл бошланғич даврларданоқ бунинг олдини олиши керак. Афсуски, оналарнинг эътиборсизлиги туфайли бугунги кунда чақалоқларнинг 70 фоизи аллергик диатез билан дунёга келяпти. Бундай хасталик боланинг ривожланиш босқичларига сезиларли таъсир этади, тез-тез йўталади. Гриппга ўхшаш ҳолатларнинг борлиги (кўз қичишиши, буруннинг қизариши, сув келиши, бола овозининг ўзгариши, тунда йўталиб, нафас етишмаслиги, иситмасиз кечиши) аллергик ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёллар шамоллашдан ва унга қарши турли дориларни қабул қилишдан ўзларини асрашлари керак. Қолаверса, овқатланишда ортиқча оқсиллар, поливитаминлар олиш ҳам она организмида сентибилизацияни келтириб чиқаради. Бу ҳолатда ўз-ўзидан аллергия касаллиги юзага келади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсон ўзининг ва яқинларининг саломатлиги учун қайғуриши лозим. Бу ўринда ҳозирги экологик вазиятларни ҳисобга олиб, табиатнинг ифлосланиши натижасида келиб чиқадиган касалликнинг хавф-хатарига бефарқ бўлмаслик, у ривожланмай туриб шифокор қабулига бориш, берилган маслаҳатга ўз вақтида амал қилиш орқали наслий хасталикнинг олди олинган бўлади.

Наргиза АСАДОВА тайёрлади.

ҲАММАБОП МАВЗУ

ОРАСТА ҚИЗ — оила ва миллат ори

Қизлар азал-азалдан оиланинг шаъни ва миллатнинг ор-номуси саналган. Уларга болалигиданоқ ахлоқ-одоб тушунчалари чуқур сингдирилган. Шу боис ўзбек қизлари қаерда, қандай кишилар даврасида бўлмасин, шарқона одоб, ҳаё-ибосию муомала ва кийиниш маданияти, орастаю оқилалиги билан кўпларнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотган.

Бугун эса гоҳо ўзбек қизлари билан боғлиқ шундай ҳолатлар учрайдики, бу дилга хиралик солиб, ташвишлантирмай қўймайди.

Глобаллашаётган замон азалий анъаналаримиз, миллий қадриятларимизга путур етказувчи «оммавий маданият» таъсири, яъни замирида ёт ғоялар мавжуд иллатга қарши курашни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Қизлар миллатнинг ору ғурури ва келажак авлод яратувчиси, бўлғуси оналардир. Шу боис уларга яхши мутахассис бўлишларидан тортиб, оила ва миллат шаънини асраш, шарқона одоб-ахлоқ руҳини сингдириш зарур. Ҳар бир халқнинг бир-биридан фарқланадиган жиҳатлари орасида либослари алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, унда миллатнинг руҳи акс этади. Масалан, ўзбек хотин-қизлари азал-азалдан шарқона ахлоқ-одоб меъёрларидан четга чиқмасдан кийинишган. Бугун замонавийлик ниқоби ортидаги «оммавий маданият» ана шу меъёрларни бузиш орқали миллий руҳни ўлдириб, маънавий ахлоқсизликни тарғиб қилишга интилмоқда. Афсуски, ҳаддан зиёд очиқ-сочиқ ва беҳаёлик билан кийинишга уялмаслик ёки аксинча, асл моҳиятини англамай, бошдан-оёқ қора либосга бурканиш, аввало, ўша инсондаги маънавий қашшоқлик белгиси, қолаверса, асл маънавий қадриятларни яхши билмаслик, ўз миллатига нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Ўз миллатига, қадриятларига номуносиб кийим кийиш ёки уй ичига ва ётоққа мўлжалланган либосда жамоатчилик орасида юриш бефаросатлик, беодоблик белгиси эмасми? Аслида, Шарқ халқлари қатори ўзбекларда қизлар шаъни ватан каби муқаддасдир. Уни асраб-авайлаш, ҳимоялаш миллат келажагини кафолатлайди. Урф-одатларимизга кўра, бегоналар назарига тушадиган, эътиборини жалб этадиган очиқ-сочиқ кийим-кечакда юриш бизнинг қизлар учун уят. Қолаверса, либослар саломатликка безиён табиий, иқлим шароитига мос бўлгани маъқул. Ҳозир кийим-кечак танлашда «мода» деган даҳмазага кўр-кўрона эргашиб, танани сиқиб турувчи суньий ва резинали либосга ружу қўювчилар кўпайди. Ачинарлиси, оқу-қорани таниган ота-она ҳам бундай кийим-кечаклар вақти келганда, қизларининг соғлом она бўлиб, соғлом бола кўришига салбий таъсир этиши мумкинлигига мутлақо эътибор бермаяпти.

Гап миллатнинг давомчиси бўлган қизлар ҳақида бораркан, улар билан боғлиқ нохуш манзараларни эса олиш ва ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутиш ўринлидир.

— Қарийб 30 йилдан ортиқ вақт ёш авлодга таълим-тарбия бериш баробарида қанчадан-қанча қизларнинг одоб-ахлоқли, маънавиятли, гўзал фазилатли инсон бўлиб камолга етишлари учун эътибор қаратишга ҳаракат қилганман, — дейди Наманган шаҳридаги 2-мактаб меҳнат фахрийси Мунисхон Рустамова. — Уларга худди онасидек яқин киши сифатида тўғри йўл кўрсатишни бурчим, деб ҳисоблаганман. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир ҳам қизлар тарбияси билан боғлиқ масалага бефарқ, кўз юмиб кетолмайман. Одобнинг боши бўлган салом қиз бола учун энг гўзал одат саналади. Афсуски, айрим қизларимиз орасида салом бериш аллақачон эскилик сарқитига айлангандек. Баъзиларида эса четдан кириб келаётган ғалати одатлар пайдо бўлган. Масалан, Ассалому-алайкум ўрнига ўрнига алламбало сўзларни айтишади. Энг ёмони, катталар, ҳатто ота-оналарда ҳам “сизга нима, шунга ҳам бошингизни қотирасизми, бугунги ёшлар шунақада”, деган лоқайдлик бор. Мана шунақа бепарволик, ўзбекона қадриятларга нисбатан ҳурматсизлик, ўзгалар ортидан кўр-кўрона эргашиш туфайли пайдо бўляпти. Бу борада нафақат интернет, балки замонавийлик деб, миллий урф-одатлардан йироқ, бизга ёт ҳаётни тарғиб қилаётган телесериаллар, ўзимизнинг айрим енгил-елпи фильм ва клипларнинг таъсири ҳам бор. Юртнинг эртаси, оиланинг, миллатнинг шаъни бўлган қизлар тарбияси билан шуғулланиш масаласига масъулиятсизлик қилишга ҳаққимиз йўқ.

Аввалари қиз бола тарбиясида доимо кўпни кўрган бувилар ниҳоятда ҳушёр туришарди. Мабодо уларнинг муомаласи, кийиниши, ўзини тутишида озгина камчилик ёки ўзгаришни пайқашса, ота-онасига ҳам билдирмасдан яхши гап, панду-насиҳат билан дарров тўғри йўлга солишга ҳаракат қилишарди. Ҳозир ҳам шунақа бағрикенг, мулоҳазали, ўзидан кейинги авлодлар тақдирига масъулиятли эканини ҳис этадиган бувилар бор, аммо кўп эмас. Сабаби, балоғат ёшидаги қизда пайдо бўлаётган ўзгаришлар — бўш вақтини беҳуда ўтказиш, уззукун телефондан бўшамаслик, урф-одатларга номуносиб кийиниш, қўрслик, безбетлик, гап қайтариш одати яхшиликка олиб келмаслигидан сўз очган бувиларга қарата: «болани мен туққанман, тарбияси билан ўзим шуғулланаман», қабилида оғзига урадиган келинлар ҳам кўп. Шулар туфайли баъзи хонадонларда бувининг ўрни умуман сезилмайди. Аниқроғи, бу масалада уларнинг аралашишига мутлақо йўл беришмайди. Оқибатда қизлар ўз билганидан қолмайдиган, терс ва шартаки, кўнгли тусаган ишни қиладиган, хиёлгина гапниям кўтаролмай, зардазурдалайдиган бўлиб ўсяпти. Агар вақти келиб, оила қуришса, фарзанд кўришса, табиийки, бундай қизлардан яхши ибрат кўрсатадиган она чиқмайди. Азиз оналар, наҳотки қизларимизнинг тақдири шундай бўлишини истасак?!

Шаҳзода АКБАРОВА

ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

КИМ АЙБДОР?!

Хотини вафот этгач, Эргаш ака кичик ўғлига суяниб қолди. Катта ўғли уйланган, икки фарзанди, ҳартугул мадад бўладиган оиласи бор. Қийин бўлсаям Ашрафгинага қийин, ҳар бир фарзанд ёнида меҳрибон, ғамхўр онаси, ҳимоя қиладиган отаси бўлишини истайди. Шўрлик уйланганида, тўй-томоша қилиб, келин олиб келганида, онаси ёнида бўлмаса, кўнгли ўксийди-да. Бундай бўлмаслиги керак, унинг истаги мен учун қонун, деган хаёл билан отаси уни авайлагани-авайлаган. Бу иши катта ўғилга ёқмайди:

— Шу арзандадан бошқани ўйламайсиз, сиз билан менинг устачиликдан топган пулимиз нима бўлади? Ўқишини йиғиштириб, ишга кирсин...

Бу гапни эшитавериб Эргаш аканинг тоқати тоқ бўлди, бирда индамай енгса, бирда тутақиб кетади:

— Тинч қўй бизни, топган пулинг ҳам керак эмас, бегонадек орқа ўгириб ўтиравер, йўқол, ўз уйингга!

Ашраф лицейни битирган йили онасидан айрилиб қолди. Тушкун кайфият панд бердими, доим аълога ўқиган бўлса-да, институтга киролмади. Мана, бир йилдан бери репетиторга қатнаб, яна тайёргарлик кўряпти. Унга қандай қилиб ўқишингни йиғиштириб, ишга кир, аканг шуни хоҳлаяпти, деб бўлади. Икки ўғилнинг ҳам кўнглига қараш керак, қайси бармоғини тишласаям оғрийди. Эргаш ака шуларни ўйлаб сиқилди, катта ўғил аччиқ қилиб кетгандан бери маҳалладан тушган буюртмаям ўзига қолди. Бир неча кун ўтиб, ишнинг охири кўринай деганда, димоқ-фироқ қилиб юрган тўнғич ўғил кириб келди. Салом-аликдан сўнг барибир ўша фикрида қолишини, Ашрафнинг тўйига ҳозирдан пул йиғиш кераклигини тушунтирмоқчи бўлди. Аммо Эргаш ака йўл бермади:

— Қўрқма, сенга оғири тушмайди, — деди шартта кесиб. — Ҳеч бўлмаса, биттанг ўқимишли, илмли бўлсанг, деб менам орзу қилганман. Бир кун келиб уям одам бўлар, сендан қанча қарзи бўлса, ўшанда тўлайди.

— Мен ундай деяётганим йўқ, ўқишга кирса, яна тўрт йил унга пул топиб бериш керак. Ўндан кўра, тўрт йилда бир тўйнинг пулини ишлаб топиши мумкин. Ана, у қаторилар чет элга бориб ишлаб келяпти...

Ашраф айни суҳбатнинг устидан чиқди. У акасининг норозилигини анчадан бери сезиб юрар ва унинг гапларидан ранжиган эди. Бу гал унинг фикрига қўшилди:

— Ота, хўп десайиз, менам ўртоқларим билан бориб ишлаб келсам...

Бу гапдан акасининг бироз ҳовури босилди ва олиб кетадиганлар билан ўзи гаплашиб беришини, таниши борлигини айтди.

Отанинг кўнгли ғаш бўлиб, туни билан ухлолмай чиқди. Кенжасини узоқ ўлкага ёлғиз юборишга кўзи қиймади ва эртасига у билан бирга кетишини айтди. Бу янгиликдан катта ўғил хурсанд бўлди, негаки...

Бир қишлоқдан тўрт-беш киши бўлиб, йўлга чиқишди. Катта ўғил айтган одам уларни вокзалда кутиб турган экан. Аввалига пойтахтнинг ўзида ишлайсизлар, деган йўлбошловчи манзилга еттач, Россиянинг овлоқ бир ҳудудига боришлари ҳақида буйруқ олганини айтди. Улар катта бир фермага етиб борганларида кун кеч бўлиб қолганди. Йўлда олган егуликлар билан ошқозонни алдаб, қаровсиз, тўшаклари исқирт бир уйда, ўзларига ўхшаган мусофирлар ёнида тунни ўтказдилар. Эртасига уларни чақирган ишбоши вақтинча прописка қилдириш учун деб, паспортларини йиғиб олди. Сўнг тўрт киши бир жойда қолмаслигини, икки киши бошқа фермага бориши зарурлигини айтди. Ота-бола шу ерда қолишга қарор қилдилар. Қолган икки ҳамқишлоқни олиб кетишди. Эргаш ака қўлида ҳунари борлигини билдириб, шунга яраша иш беришларини сўради. Ишбошига бу гап ёқмаган бўлсада, биринчи кундан уларни хафа қилишни истамади, шекилли, “ҳозирча хўжайинлар тунайдиган бинонинг у ер-бу ерини таъмирлаб турасиз”, деди. Ашраф эса бошқалар қатори молбоқарликка ёлланди. Кун бўйи буқалару чўчқаларнинг ғўнгини тозалаш, ем бериш, мол-хашак тўплаш ўспирин учун осон бўлмади. Аммо у тенгилар анчадан бери шу иш билан бандлигини кўриб-эшитиб, тишини тишига қўйди. Чарчаётгани ёки уч-тўрт кундаёқ безор бўлганини айтса, отаси ўзингдан кўр, дейиши мумкин. Энг ёмони, “шу сизларни ишдан чалғитяпти” деган баҳона билан қўл телефонларини ҳам тортиб олишди. Ота-бола фақат кечқурун кўришарди. Кун бўйи икки давкар галма-галдан уларни назорат қилар, озгина дам олиш ҳам маҳол эди. Еб-ичишнинг эса тайини йўқ. Ой охирига бориб, қўлимиз пул кўради, тўйиб овқат еймиз, деб ўйлаган эдилар, минг афсуски, ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Ашраф бу ҳақда ёнидагилар билан гаплашиб кўрди. “Аввалига маошларингнинг уч ойлигини бир қилиб берамиз, дейишганди, аммо келганимизга уч ойдан ошди, ҳалиям бир чақа олмадик. Қайта-қайта сўрайверсак, калтак еймиз”, деди териси устихонига ёпишиб кетган тожик йигит.

Бир тунда шу йигитнинг ичида қаттиқ оғриқ бўлиб ухлолмади. Букчайиб додлай бошлагач, Ашраф билан қорақалпоқ ўртоғи хўжайинлардан ёрдам сўраш учун югуришди. Аммо ширин уйқудан кечишни истамаган барзангилар битта анальгин бериб чекланди. Эрталабга бориб бутунлай ҳолдан тойиб қолди. Ишга чиқолмаганини билган ишбошилар баҳона қиляпти, деб оч биқинига бир-иккита тепишди ҳам. Бундай “сийлов”дан бошқалар ҳам бенасиб қолмади. “Текин-хўрлар, ишла ҳамманг, сенларни сотиб олганмиз”, дея тўғрисини айтиб қўйишди. Энди ҳаммаси ойдинлашди.

Бундай шафқатсизликни кўрмаган Ашрафнинг ичидан бир нима узилгандай бўлди. Қўли бўшаганда ҳар қанча парвариш қилмасин, ўша ўртоғи узоққа бормади, жони узилди. Ҳатто унинг ўлигини қаерга кўмишганини ҳам айтмадилар. Ашраф қаттиқ қўрқди, кечаси билан алаҳсираб чиқадиган бўлди. Бир куни кечаси отасига шипшиди: “Отажон, илтимос, бу ердан қочайлик, бошқа чидолмайман, мени кечиринг...”. Туни билан ота-бола бир-бирига билдирмай йиғлаб чиқди. Кейин режа тузилди. Режага кўра, ота назоратчиларнинг бирови билан таъмирлашга зарур бўлган қурилиш материалларини танлаш учун омборга бирга бориши ва бир амаллаб уни омборга қамаб, ўзи бекат томон қочиши керак. Бу пайт иккинчи назоратчини чалғитиб, ўғли ҳам бекатга чиқиши зарур. Агар бекатда учрашишга улгуришмаса, поезд вақтигача биратўла вокзалда учрашишларини келишиб олишди. Ота ўз зиммасидаги ишни уддалади: омборхонадаги тахталарни саралаган бўлиб, ангда қолган барзангининг адабини берди. У йиқилгач, устидан қулф урди-да, бекат томон қочди. Ўғлини анча кутди, аммо дарак бўлавермагач, вокзалда учрашамиз, шекилли,

Бўлган воқеа

деган ўй билан тўғри келган транспортга ўтириб манзилга етиб олди. Ҳадемай, она юртга қайтишини, ажнабийлар етказган азоблардан қутулишини ўйлаб юраги ҳаприқди. “Тезроқ болажоним келса бўлгани, бу жойларни энди елкамнинг чуқури кўрсин”, дея у ёқдан бу ёққа юриб, хавотирга туша бошлади. Поезд юрадиган вақт яқинлашган сари хавотири ортиб, довдираб қолди. Нима қилиш керак, ортга қайтса, у одамфурушлар тирик қўймаслиги аниқ. Кетса, ўғлининг аҳволи нима кечади? Балки Ашраф йўлдадир, келаётгандир, деган умид уни тўхтатди...

Ниҳоят, поезд жўнаши эълон қилинди. Эргаш ака жавдираганча, бўй-басти ўғлига ўхшаш йигитларга тикилди. Ўрнидан жила бошлаган поездга осилганча, умидини узмай, кўзлари йиртулгудай бўлиб сўнгги бор йўлга термулди ва беихтиёр лаблари шивирлади: эй, яратган эгам, болагинамни ўзинг паноҳингда асра!

Бу пайт қочишга уринган Ашраф шафқатсиз ишбошиларнинг қўлига тушиб, қонга беланиб ётарди. Отаси назоратчини уриб қочиб кетгач, хўжайинлардан бири уни сўраб келди ва омборхонага кетганини эшитиб ўша ёққа борди-ю ҳаммасидан воқиф бўлди. Аввалига отасининг қасдини ўғлидан олиб, уни роса калтаклашди. Сўнг қочишга уринган оёқларинг энди узоқ юролмайди, дея унинг оёқ пайини кесишди...

Қочиш режасини тузишдан бир кун олдин Эргаш ака туш кўрганди. Ўғлининг қўлидан ушлаб етаклашига қарамай, унинг оёғи олдинга эмас, ортга судралармиш. У тушини эслаб, қўрқиб кетди. Негадир шу тобда Ашрафнинг институтда ўқийман, яхши жойда ишлаб, сиз орзу қилгандай одам бўламан, деган гапи ёдига тушди. Унгача икки ойлик азоб, алданиш ва ўғлининг қочиш ҳақидаги гапидан бошқа ҳеч нимани ўйламаган отанинг кўз ёшлари йўл бўйи бир он ҳам тўхтамади...

(Давоми бор)

Холида ФАЙЗИЕВА

КАДР ОРТИДАГИ ҲАЁТ

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН СОҲА

Инсон табиати хилма-хил. Шу билан бирга ўхшаш ҳам. Ҳар биримиз бизни ҳайрат оламига етаклайдиган, қалбимизга завқ бағишлайдиган санъат асарларини яхши кўрамиз. Аммо уларни ҳаммага бирдек севимли қилиб яратиш осон иш эмас. Бунинг ортида машаққат ва тинимсиз меҳнат, кучли заковат, некбин ижодкорлик истеъдоди бўлиши лозим. Демак, биз учун севимли бўлган фильмлар осонгина яратилмаган. Фақат бу машаққатларни “кадр орти” жараёни кўздан пана қилиб туради. Бугун ана шу кадр ортидаги фаолиятга назар соламиз.

Кино — тасвирни фикрга, мулоҳазага айлантириш санъати. Чарли Чаплиннинг рангсиз оқ-қора, сўзсиз, аммо “уйғоқ” кинофильмлари ҳақида гап кетганида шундай мулоҳаза туғилади. Йиллар ўтиб фильмларга тус, забон қўшилган бўлсада, моҳият ўзгаргани йўқ. Кино ҳамон инсонлар ҳаётига ёруғлик улашиш, мулоҳазага чорлаш воситаси бўлиб келяпти. Баъзи фильмлар шу даражага чиқдики, улар замонасининг энг буюк ишлари қаторига киритилди. Ўзбек кино санъатида ўтган асрда яратилган “Суюнчи”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Ёр-ёр” фильмлари, мустақиллик йилларининг туҳфаси бўлган “Ватан”, “Осмондаги болалар”, “Ўтов”, “Чашма”, “Сув ёқалаб”, “Аросат”, “Алданган аёл”, “Қудуқ” каби киноасарлар шулар жумласидан. Гарчи улар бир инсон — режиссёрнинг номи билан боғланса-да, бутун бир жамоанинг меҳнати туфайли кино яралишини яхши биламиз. Хўш, кино яралиши учун аввало нима керак? Келинг, кинонинг яралиш босқичларини очиқ бир майдон тарзида тасаввур қилиб кўрамиз. Демак, режиссёр узун қилиб тахлаб ташланган қоғозлар ичидан ўзига кераклисини танлаб олади. Англаганингиздек, бу фильм сценарийси. Кейинги босқичда эса унинг атрофида бошқалар ҳам пайдо бўлади: оператор, картина директори. Учовлон олинажак кинонинг барча ташкилий масалаларини кўриб чиқади. Бу жараёнда юк кўпроқ картина директори зиммасига тушадики, у режиссёр, оператор ва рассомнинг истакларини инобатга олган ҳолда, моддий таъминотни тезда ҳисоблаб бериши керак. Ана шундан сўнггина фильмга “нон синдирилади”. Аммо директорнинг иши шу билан тугамайди, аксинча, бошланади. Кадр ортидаги бу учлик фаолиятини яхшироқ тушунтириш учун кинони инсон деб олдик. Бизнинг назаримизда, режиссёр кинонинг юраги ва мияси бўлса, оператор унинг теран нигоҳлари, картина директорини фильмнинг оёқ-қўли десак тўғрироқ бўлади.

БУ ЖАРАЁН МЕҲРНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

— Ёмон кайфиятдаги инсон фильмимда ишлаши мумкин эмас. Меҳр ва ижодий кайфият бўлган жойда ҳақиқий санъат асари яралади. Бу хотиржамлик ҳам дегани аслида. Режиссёр фильмни суратга олар экан, унга фақат ижодий ва тинч муҳит керак. Уни яратиб беришда картина директори катта ёрдамчи. Барча маҳсулот тайёр бўлса, таом пишириш осонлашади. Шу каби фақат ижод ҳақидагина қайғурсангиз, ҳақиқий санъат асарига эга бўласиз. Шу маънода агар содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, фильмга тузни етказиб берувчи киши картина директори. Фильм экранга чиққач, томошабин учун айни пайтда кинодан бошқа нарса қизиқ эмас. Сиз хоҳласангиз ҳам энди унга бирор-бир қўшимча ҳиссиёт ёки фикр қўша олмайсиз. Шу боис кадр орти фильм ижодкорлари учун қадрли бўлиши, ҳамма бир-бирини яхши тушуна олиши муҳим. Бу маънода мен олган фильмлар муваффақиятида бутун ижодий жамоанинг, шу жумладан картина директорининг ҳам ҳиссаси катта, — дейди таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқов.

Айтиладиган гапдан мақсад пул ишлаб топиш бўлса, пул топилади, яъни томошабиндан фақат пул олади, меҳр ёки ҳурмат эмас... Аслида, фильмни инсонларга яхшилик қилишнинг бир йўли дейиш ҳам мумкин. Шундай экан, режиссёр инсонларга нима кераклигини ҳис қила олсагина, муваффақиятга эришади. Бу эса фақат машҳурлик ёки тилга олиниш дегани эмас. Фильм муваффақиятга эришмадими, демак, унинг ғояси, ундаги муаммолар, ечим томошабинга керак эмас экан. — Яхши сценарий ёзиш, яхши фильм олиш учун фақат билимнинг ўзи камлик қилади, назаримизда. Ўқиган китобларимиздаги ҳақиқатлар, ҳаёт ҳақиқатлари ва режиссёрнинг ҳақиқати бўлиши керак.

“ОДДИЙ ЯПРОҚ БИЛАН КАЛТАМИНОРНИ СУРИШ МУМКИН”

— Чиндан ҳам шунақа, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамидулла Ҳасанов. — Бир гал фильм директорига устун халал беряпти, шуни олиб ташланг десам, у ҳақиқатан ҳам устунни олишга ҳаракат қила бошлади. Ҳолбуки, кадрга бирор дарахт шохини илиб қўйиш билан уни кўздан яшириш, оддий япроқ билан калтаминорни “суриб қўйиш” мумкин. Бу операторларнинг кичик сирларидан бири. Кадр ортидаги операторнинг ҳақиқий маҳорат сири эса унинг билим ва тажрибасида. Сабаби, у эпизодни қайси ракурсда олишни яхши билса, тасвирни “гапиртириш”га эришади. Шунинг учун оператор ўнлаб ракурсларни, вариантларни чамалаши лозим. Масалан, “Дев билан пакана” фильмида дев ролидаги актёрнинг бўйини баланд қилиб кўрсатиш учун оёқлари тагига баландлиги бир метр, узунлиги 50 метрга тенг тахта устида юргизилгани оддийгина касбий сир бўлиши мумкин. Аммо ҳамиша бундай бўлмайди, баъзан ундан ижодкорлик қобилияти ҳам талаб қилинади. Мен операторлик қилган “Орзулар оғушида” фильми қаҳрамони далтоник(ранг ажрата олмаслик) касаллигига чалинган бўлади. Хўш, буни томошабинга тасвирда қандай кўрсатиб бериш керак? Таклиф бердим: фильмни оқ-қора рангда олсак-чи? Шунда йигит туйғуларга берилган вақтда буюмлар ранг ола бошлайди ва унинг ҳолатини, ҳаяжонини кўрсатиб беради...

УЧИНЧИ БУРЧАК

(Йўқ деган сўзнинг ўзи йўқ)

Габриэл Гарсиа Маркес “Ёлғизликнинг юз йили” асарини ёзиш учун кўп вақт кетишини сезади. Шу сабаб машинасини сотиб, ҳамма пулни аёлининг қўлига тутқазади ва то асарни ёзиб тугатгунича уни безовта қилмаслигини сўрайди. Режиссёр ҳам тасдиқдан ўтган фильм учун ажратилган маблағни картина директорига ишонар экан, ижод оламига шўнғишга тайёр турган Гарсиа Маркес ҳолатида бўлади. Шу маънода картина директори режиссёрнинг энг катта ёрдамчиси. “Чавандоз” фильмидаги оммавий саҳнани суратга олиш учун беш мингтача одам ва мингтача от керак бўлган экан. Бу эса анчагина катта маблағ дегани. Шунда ўнлаб фильмларда директорлик қилган, бу борада анча тажрибага эга Афзал Ғуломов Қўшработ тумани ҳокимлиги билан келишиб, кўпкари сайлини ўтказишни таклиф қилади. Бу топқирлик ва ташкилотчилик натижасида россиялик киноижодкорларни ҳам ҳайратга солган оммавий саҳна суратга олинади.

“Алпомиш” фильмидаги қирққа яқин ўтовнинг уч кунда қуриб битказилиши, “Ватан” фильмидаги “жанг саҳнаси” учун керак бўлган вайрона иморат декорацияси ўрнига кўз илғамас эски заводнинг “осонгина” топилиши, “Дев ва пакана”ги ит уриштириш саҳнасининг тезликда “уюштирилиши” ушбу картиналарга директорлик қилган Афзал аканинг атрофга кино ижодкор сифатида нигоҳ ташлаши, қайсидир иморатни, қайсидир буюмни кинога “реквизит” сифатида кўз остига олиб қўйиш одати, ташкилотчилик қобилияти натижаси.

— Фильмдаги ҳар бир буюм, ҳар бир ҳаракатни гапиртира олиш кадр ортидаги мутахассисларнинг зиммасига тушадиган масъулият. Шунинг учун кино жамоавий фаолият дейиш мумкин. Бунда ҳатто фильмнинг моддий томони билангина шуғулланадиган картина директорида ҳам ижодкорлик бўлиши керак. У кино учун керак бўлаётган оддий оқ қанд ва новвотнинг фарқига бориши, новвот “ташиётган” юк — маънони тушуна олиши фильм жараёнларини тезлаштиради. Кино — санъат асари. У яралар экан, режиссёр унинг қайсидир нуқтасини ўзгартириши, бирор саҳнани олиб ташлаши ёки янгисини қўшиши мумкин. Ҳолбуки, фильм режаси тузилаётган пайтда ҳамма нарса қатъий тарзда белгиланиб, унга керакли маблағ ажратилади. Бироқ, биласизми, кадр ортида ишлайдиганлар учун йўқ деган сўзнинг ўзи йўқ. Агар режиссёр актрисани қўрқитиш учун илон керак деса илон, кулдириш учун масхарабоз керак деса, уни ҳам фильм директори муҳайё этиши шарт. Гарчи бу қўшимча маблағ, куч ва вақт талаб қилса-да... Бу сўзлар ўттиздан ошиқ фильмга директорлик қилган Афзал Ғуломовнинг кинога фидойи ҳаёти давомида чиқарган хулосалари. Чиндан ҳам кино санъат асари. Суратга олиш майдончасида бўлганимда, яна бир нарсага амин бўлдим — кино бу — ҳаёт. Ўнлаб, юзлаб инсонлар ҳаёти экан. Гарчи биз экранда бир гуруҳ инсонларнинг юзларини, ҳаракатларини кўрсак-да, унинг ортида бир олам фикрлар, ҳаракатлар, асабий суҳбатлар, ширин қаҳқаҳалар, бироз чарчаган аммо мамнун нигоҳлар, касбига бахшида умрлар бор экан! Афзал ака суҳбат давомида кинода ишлаган ҳар қандай мутахассис, ҳатто оддий ҳайдовчининг ҳам соҳадан кетса-да, яна қайтиб келганининг гувоҳи бўлганман, худди оҳанрабодек кино уларни яна қайта бағрига чорлаб олаверади, деганди. Бизнингча эса, актёрларнинг юракдан тўкилган кўз ёшларига, самимий кулгиларига гувоҳ қора камера, шовқинсуронга тўла, аммо хотиржамликка эргаштирувчи суратга олиш майдончасидаги каби ижодий жамоанинг меҳрини ҳеч қаердан топа олмагани учун ҳам унга қайта ва қайта талпинаверишар.

Биз ана шу талпиниш, ана шу меҳр ҳеч бир ижодкорни тарк этмаслигини истардик. Зеро, меҳр ва интилишдангина буюк нарсалар яралади. Шу маънода ҳақиқий кино ҳам. Ўзбек томошабини эса буюк кинофильмларга муносиб...

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА,
“Hurriyat” мухбири

ИМЛО — саводхонлик мезони

АКС-САДО

Таълим жараёнида, айниқса, филологик фанларни ўқитишда имло масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам имлодаги ҳар бир ўзгариш ўқитувчининг диққат-эътиборида туради. Шу маънода “Hurriyat” газетасининг 2016 йил 6 апрель сонида Давронбек Орипов томонидан тайёрланган “Ўзбек имлоси: муаммо ва ечимлар” номли мақолада кўтарилган масалалар айни муддао бўлди.

Аввало, журналист томонидан берилган бешта саволнинг ниҳоятда долзарблигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Таниқли филолог олимлар Раҳимбой Жуманиёзов ва Равшан Жомоновларнинг берган жавоблари илмий-назарий жиҳатдан анча мукаммал бўлиб, амалий жиҳатдан эса жуда фойдали. Чунки мазкур мақоладан ҳар куни ёзув амалиётида дуч келаётган муаммоли ҳолатларга жавоб топиш мумкин.

Мени инглиз тили ўқитувчиси сифатида Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзларнинг ўзбек тилидаги имлоси доимо қизиқтириб келади. Чунки *бюро, сюжет, бюджет, натюрморт, плюс, люкс* типидаги кўпгина сўзларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида берилишида ҳар хилликлар мавжуд. Назаримизда, Равшан Жомонов тавсия қилаётган вариант: *budjet, sujet, luks, plus* ва шу каби ёзилишлар амалий жиҳатдан ўзини тўлиқ оқлайди. Негаки, айни шу шаклларда ўзлаштирилган сўзларнинг асл манба тилдаги шакли сақланиб қолади ҳамда ўзбеклар нутқига хос талаффуз юзага келади.

Мақолада муаллифлар тўғри кўрсатиб ўтганидек, *сценарий* типидаги сўзларни *senariy* шаклида ёзиш ўзини тўлиқ оқлайди. Чунки ҳозирга қадар нашр этилган айрим имло луғатларида, шунингдек, яратилаётган бадиий фильмларда ҳамда телевидение орқали берилаётган айрим титрларда *ssenariy muallifi* каби ёзувларга кўзимиз тушади. Хўш, бу ҳолат педагогик нуқтаи назардан олиб қараганда нимага олиб боради? Очиғини айтганда, ўқувчи ёки талабада нотўғри кўз кўникмалари шаклланади, яъни ssenariy шаклидаги ёзувни [ссенарий] тарзида айтишга мажбур бўлади. Ваҳоланки, ўзбеклар мазкур сўзни ҳеч қачон бу тахлитда талаффуз қилмайди. Назаримизда, ssenariy шаклидаги ёзув имлодаги транслитерацион принцип — ҳарфма-ҳарф ўгириш натижасида юзага келган нотўғри орфограммадир.

“Hurriyat” саҳифаларида бериб борилаётган ранг-баранг материаллар орасида ўзбек имлосига жиддий эътибор қаратилаётгани биз ўқитувчиларни беҳад қувонтирмоқда. Севимли газетамиз бундан кейин ҳам ўзбек имлосидаги баҳсли-мунозарали ҳолатларни, илмий-назарий жиҳатдан тўғри ҳал этиш йўллари кўрсатилган мақолаларни мунтазам чоп этиб, таълим жараёнидаги имловий хилма-хилликларни тугатишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб боради, деган умиддамиз.

Зулнурахон КАРИМОВА,
Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси

МУТОЛАА

Юртимизда кулги дарғаларининг силсиласи бардавом. Замонавий адабиётимизда ҳам сатира ва юмор жанрида қалам тебратиб келаётган комик ёзувчилар талайгина. Абдулла Қодирийдан бошланган бундай пайровли сатирик кўринишлар Абдулла Қаҳҳор асарларида қиёмига етказилган. Ўтган асрнинг 70-80- йилларида Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Анвар Обиджон сингари ҳажв усталари ана шу булоқлардан сув ичиб, ўткир сўз соҳибига айландилар. Улар қаторида Саид Анварнинг ҳам ўрни бор.

Сатиранинг ўткир қуроли

Яқинда “Шарқ” нашриётида ёзувчининг “Яшасин, фонограмма!” номли ҳажвиялар тўплами нашрдан чиқарилди. Ушбу китобдан ҳажвий ҳикоялар, ҳангомалар, латифалар ўрин олган. Жилмайиш билан бошланган мутолаа жараёни қаҳ-қаҳага уланиб кетиши тайин. Сабаби, асарда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларидаги қизиқарли жиҳатлар таъсирчан ифода этилган.

Комедия санъатининг қуроли кулгидир. Кулгининг енгил тафти тарқалгач, асар ғоясига яширинган муаммолар бўй кўрсатади. Аслида ёзувчи инсонларни ана шу зиддиятлару иллатлардан фориғ этишнинг йўлларини излайди. Аммо ўзини “заҳарлаган” ташвишларни атрофдагилар билан шундай ҳолича бўлишишни ўзига эп билмайди. Ҳаётда учрайдиган мутаассиблик, кеккайиш, турли тушунмовчиликлар, фирибгарликларни ёзувчи кулги рандасида силлиқлаб инсонларга ботмайдиган тарзда баён этади. Масалан, “Ўғрилару тўғрилар” ҳажвиясида “Қўшни қишлоққа вилоятдан вакиллар келибди. Уйма-уй юриб электрдан фойдаланишнинг аҳволини текширишибди” деган хабардан кейин одамлар бир-бирларини муҳокама қилишга ўтишади. Ёзувчининг маҳорати туфайли бир томондан электр энергиясининг ҳақини ўз вақтида тўламасликнинг оқибатлари аён бўлса, иккинчи томондан соддадил одамларнинг оғиз кўпиртириб бир-бирларини айблашлари воқеага кулгили тусини беради. Масалан,“Вакиллар Собир домланикида ҳайратдан ёқа ушлашибди: ҳамма электр асбоблар хизматда эмиш. Жамики чироқлар, дазмоллар, ёз бўлса-да печкалар ёқилган эмиш... Электр ҳисоблагич визиллаб ишлаётганмиш... Фақат, тескарисига!”

Барча адабий жанрлар каби сатира ва юморнинг ҳам ўзига хос тамойиллари бор. Булардан асосийси ҳозиржавобликдир. Тўпламдан ўрин олган “Жағсиз телефон”, “Яшасин, фонограмма!”, “Стоп, тўхтатилсин!” ҳажвий ҳикояларда маъмурий буйруқбозлик, лаганбардорлик, масъулиятсизлик, таъмагирлик сингари иллатлар енгил кулги орқали фош этилади.

Сатира ва юморнинг ҳам ўзига хос олтин қоидалари мавжуд. Ёзувчи истеҳзони ошириб юборса, у заҳархандага айланиши тайин. Инсонларни кулдириш пайида ҳаддан ошса бачканаликка айланади. Саид Анвар ўз асарларида бундай нуқсонлардан қочишга интилади.

Малика АҲМЕДОВА

Ирмоқлар дарёга интилади

ЁШЛАР НИГОҲИ БИЛАН

Болаликдан севимли машғулоти бўлган иш кейинчалик ўша инсоннинг ҳаёти мазмунига айланиб қолишига кўп гувоҳ бўлганмиз. Масалан, бир қўшнимизнинг ўғли муштдайлигидан амакисининг автомобилларга хизмат кўрсатиш устахонасида у-бу ишларга қарашиб юрарди.

Мактабдан қайтгач, болалар стадионга шошса, у устахонага ошиқарди. Бугун маҳаллада ундан ўтадиган машина устаси йўқ. Техника деганини товушидан танийди, моторининг гувиллашидан қаерида нима “касал”и борлигини айтиб беради.

Бу эҳтимол айримларга оддий ҳолдек кўринар, лекин мен унинг ишини санъат деб ҳисоблайман. Киши исталган соҳада ўз ишини санъат даражасига олиб чиқиши мумкин. Албатта, истеъдоди билан...

Санъат ўзи бир жумбоқ, назаримда. Одамларнинг дунёқараши бир-бирига ўхшамаганидек, санъат ва ижод ҳақидаги фикрлари ҳам турфа. Масалан, кимгадир ёққан асар кимгадир ёқмайди, кимдир тўлқинланиб мақтаган кино бошқа бировга жўн ва бачкана туюлади. Ҳаммамиз унга интиламиз. Сабаби инсон ҳамиша маънавий озуқага муҳтож бўлади. Маънавий озуқани эса китоб, газета, журнал, саҳна асари, қўшиқ, кино ва ҳоказолар орқали оламиз.

Кўпинча сабоқдошлар билан ўзаро мунозараларда ижод ва истеъдоднинг вазифасини чалкаштириб юборамиз. Истеъдодли ижодкор бир зарбда уддалаган ишни салоҳиятсиз киши бир умр ўқиб ўрганса ҳам эплай олмаслиги мумкин. Агар инсонда қизиқиш бўлмаса, у ҳеч қачон ижод қиламан деб уринмайди. Уринса ҳам бирор натижага эришиши қийин бўлади. Аввало, қизиқиш муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ундан кейин эса қобилият. Уни ҳам худди истеъдод сингари шакллантириш мумкин. Истеъдод эса туғма бўлади. Кам инсонга бериладиган бир неъмат. Мен уни кашф этилмаган кон ёки кўзи очилмаган булоққа ўхшатаман. Агар йўналтирилса, истеъдод юқори даражадаги ижод намуналарини юзага келтириши мумкин. Алломалардан бирининг шундай гапи бор: “Ижоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат, қолган бир фоизи истеъдод маҳсулидир”. Ҳақиқатдан ҳам интилиш, ҳаракат бўлмаса, бирор натижага эришиш мушкул. Лекин ўша бир фоиз истеъдод бўлмаса ҳам меҳнат зое кетиши эҳтимолдан холи эмас.

Одатда биз бирор таниқли адиб ёки шоирнинг ҳаётига назар ташласак, албатта, кимдир болалигида унинг қалбида адабиётга меҳр уйғотганининг гувоҳи бўламиз. Тўғри, деярли ҳамма оналар ва бувилар эртаклар, турли ривояту ҳикоятлар айтиши мумкин. Лекин ҳамма ҳам кейинчалик ижод билан шуғулланмайди-ку. Ўша муҳит, фикримча, ички истеъдодни уйғотади, булоқнинг “кўзи очилади”. Келажакда қилинажак ишларига пойдевор айнан шу даврда қўйилса ҳам, ажаб эмас.

Ҳақиқий ижодкор бўлиш, юксак марраларни забт этиш журналистикани танлаган кўп тенгдошларимнинг орзуси. Қай даражада эришиш эса истеъдодга, ҳаракатга ва албатта, омадга ҳам боғлиқ.

Ирмоқ суви дарёга интилади. Бориб қўшила олсагина у дарё билан бирлашади. Дарёнинг бир бўлагига айланади. Акс ҳолда, ё бўлиниб, ё бирор ўпқонга тушиб йўқ бўлиб кетади. Инсон ҳаётини ҳам бир ирмоққа ўхшатиш мумкин.

Ҳаётда ўзи қизиққан касб ёки ҳунарни эмас, мажбурий ёки ихтиёрий тарзда бошқа йўналишни танлаган, шу йўлда кетган инсонларнинг вақти келиб афсуслanганларининг гувоҳи бўлганмиз.

Якуний назорат ишига тайёрланаман деб, ярим тунгача китоб ўқиб, эрталаб кеч уйғонибман. Талаба учун бундан ортиқ “фожиа” бўлмайди. Таксида кетишга тўғри келди. Ҳайдовчи қаерда ўқишимни сўради. Жавобимни тинглаб, пича ўйланиб қолгандек туюлди.

— Мен ҳам бир пайтлар журналистикага қизиқардим, — деди сўнг жилмайиб. — Уйдагилар қистови билан иқтисод йўналишида ўқидим. Лекин ҳеч ўқишимга кўнгил қўёлмадим. Ўзинг меҳр қўйган, чин дилдан ҳавас қилган соҳани танлашинг керак экан, ука. Худога шукр, бировдан кам бўлмадим. Аммо кўнгилнинг бир четида армоним қолган... Сен яхши ўқи.

Сўнг ялт этиб менга қаради:

— Ўзи бу соҳани ихтиёринг билан танладингми?

Мен фахр билан “Ҳа!” дедим. Ўқишга шошилаётганимдан миямни ўраб олган ғашлик анча тарқагандай бўлди.

Аъзамжон АБУЛФАЙЗОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

» МАДАНИЙ МЕРОС

Тарихий бойликлар қандай минтақада, қайси халқ, миллат томонидан яратилган бўлмасин, у бутун инсоният мулки сифатида қадрланади. Уларни асраб-авайлаб сақлаш, дунё жамоатчилигининг умум мақсадларидан биридир. Маданий мерос ва тарихий объектларининг кўплиги жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринлардан бирида турувчи мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида тарихий бойликларимизни муҳофаза қилиш, сақлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



ТАРИХНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

Республикамиз ҳудудларида жаҳон тамаддунидан гувоҳлик берувчи, тарихнинг турли даврларига мансуб маданий мерос объектлари, археологик ёдгорликлар, қадимий шаҳарлар қолдиқлари, обидалар, иморатлар, ўтмишнинг ноёб мажмуалари қайтадан тикланди. Тарихий обидалар, ёдгорликлар тимсолида ҳақиқий қиёфасини, аждодларимиз бунёдкорлигини намоён эта бошлади.

Мамлакатимизда кейинги 25 йил ичида амалга оширилган катта ишлардан бири шаҳарсозлик кодекси яратилиб, унда тарихий шаҳарларга хос қоидаларнинг ишлаб чиқилиши бўлди. Бу қоидаларга кўра шаҳарларнинг тарихий қисмларини сақлаб қолиш, уларни қайта қуриб, таъмирлаб асл тарихий кўринишига монанд тиклаш вазифаси белгиланди. Шунга кўра, юртимиздаги кўплаб шаҳарларга тарихий шаҳар мақоми берилди. Ана шундай шаҳарлардан 8 таси халқаро миқёсда тан олиниб, Самарқанднинг 2750 йиллик, Шаҳрисабз ва Қаршининг 2700 йиллик, Бухоро, Хива ҳамда Термизнинг 2500 йиллик, Тошкентнинг 2200 йиллик, Марғилоннинг 2000 йиллик тўйлари ўтказилди. Шу муносабат билан ушбу шаҳарлардаги бир неча юздан ортиқ тарихий ёдгорликлар, обидалар, маданий мерос объектлари қайта қурилди, таъмирланди, обод жойларга айлантирилди. Шу билан бирга халқимиз тарихида катта роль ўйнаган буюк алломалар, улуғ шахслар Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотуридий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Жалолиддин Манғуберди, Маҳмуд Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор Валий кабиларнинг таваллуд саналари нишонланиши туфайли улар ҳаёти, фаолияти кечган жойлар, таълим олган масканлари қайта тикланиб, мақбаралари табаррук қадамжоларга айланди.

Шунингдек, "Авесто", "Алпомиш" сингари маънавий мерос намуналари, Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллик тўйлари ўтказилиши натижасида маҳобатли ёдгорликлар қад ростлади, янги иншоотлар, бинолар ҳам тарихий, ҳам замонавий меъморчилик анъаналари асосида бунёд қилинди. Бу ишлар дунё жамоатчилиги, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилди. Республикамизда тарихий ёдгорликларни, археологик бойликларни асраб-авайлаш, уларни қайта таъмирлаш, асл ҳолида яратиш ва фойдаланиш доирасида жиддий ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 2001 йил 30 августдаги, "Археологик мерос объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 2009 йил 13 сентябрдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг " Маданий мерос объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тадбирлари тўғрисида"ги 2002 йил 29 июлдаги қарори бу ишларни амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда 7570 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган. Шулардан 2330 тасини тарихий меъморий иншоотлар, 3945 тасини археологик ёдгорликлар, 1138 тасини маҳобатли обидалар, 157 тасини муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва бошқа диққатга сазовор жойлар ташкил этади. Мингдан ортиқ тарихий иншоотлар, меъморий ёдгорликлар қайта қурилиб, таъмирланиб асл ҳолида тикланди. Маҳобатли обидаларнинг тенг ярми асл қиёфасига мос равишда қайта қурилди. Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларнинг аксарият қисми тўла таъмирдан кейин халқимиз ва меҳмонларга хизмат қилмоқда. Ана шулар орасида Самарқанддаги Имом Бухорий, Руҳобод, Амир Темур, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Регистон, Маҳдуми Аъзам, Ҳазрати Хизр, Имом Мотуридий, меъморий ёдгорлик мажмуалари, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Лаби Ҳовуз, Арк тарихий ансамбллари, Мирзо Улуғбек, Абдулазизхон Мир Араб мадрасалари, Миноpraи Калон ва Масжиди Калон, Чор Бакр мажмуалари, Хивадаги Ичан қалъа музей қўриқхонасидаги барча ёдгорликлар, Қўқондаги Худоёрхон арки, Даҳмаи шоҳон мақбараси, Жомъе масжиди, Шаҳрисабздаги Дорус Саодат, Қирқ қиз меъморий ансамбллари, Марғилондаги Бурҳонуддин Марғиноний, Пири Сиддиқ, Саид Аҳмад мадрасаси, Навоийдаги Қосим Шайх ёдгорликлар мажмуаси, Намангандаги Нозим Намангоний мақбараси, Мусо Бозор Охунд мадрасаси, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом, Зайниддин Орифжон, Шайх Ҳованд Тоҳур, Занги ота меъморий ансамбллари ва бошқа яна кўплаб обидалар алоҳида ўрин тутади. Бу обидалар олис ўтмишнинг бебаҳо мероси сифатида муҳофаза қилинмоқда ва қадим меъморчилик анъаналари ўрганилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон дунё миқёсида инсоният тарихининг ноёб меросини кўз қорачиғидек асраб келаётган мамлакатлардан бирига айланди.

Республикамизда тарихий ёдгорликларни қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари шаҳарларда босқичма-босқич тарзда олиб борилмоқда. Агар ўтган асрнинг охирги йиллари ва 2000 йилларнинг бошларида бу иш Хива шаҳрида олиб борилган бўлса, ундан кейин Қўқон шаҳрининг тарихий меъморий қиёфасини тубдан яхшилашга эътибор қаратилди. Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги маданий мерос объектларини тўла қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги пайтда Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий объектларини тўлалигича таъмирлаш, уларни обод ва кўркам ҳолда тиклаш, сайёҳлик мақсадларида кенг фойдаланиш доирасида белгиланган давлат дастурларини бажариш устида иш олиб борилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси меъморлари, усталари, бош-қош бўлмоқдалар.

Юртимизда тарихни ўрганишга, тадқиқ этишга, ўтмиш бойликларини муҳофаза қилишга эътибор жуда катта. Шунинг учун қадимий обидаларни излаб топиш, тарихий масканларни аниқлаш, ўтмиш меросимизни кўпайтириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада археологик қазилма ишлари кенг йўлга қўйилган бўлиб, мамлакатимизда 40 дан ошиқ қўшма археологик экспедициялар фаолият юритмоқда. Археологларимиз франциялик, япониялик, россиялик, германиялик, австралиялик, италиялик ва бошқа давлатлар қадимшунослари билан биргаликда тарихимизни тадқиқ қилмоқдалар. Бунинг натижасида Сурхондарёда Қоратепа, Кампиртепа, Самарқандда Кўктепа, Кофирқалъа, Дабусқалъа, Фарғонада Ахсикент, Қорақалпоғистонда Ақчахонқалъа, Бухорода Пойкент, Қашқадарёда Ерқўрғон, Хоразмда Мешепли каби қадимий масканлар, шаҳарлар ўринлари очиб ўрганилди. Улар бағридан кўплаб асори-атиқалар топилди. Мамлакатимизда нафақат маданий мерос объектлари сони ошди, балки тарихимизни янгича асосда тадқиқ этишга киришилди. Юртимиз қадрияти бир неча минг йилларга кексайди. Бу ҳам тарихимизни, маданий мерос, бойликларимизни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракат ҳисобланади.

Аждодларимизнинг бунёдкорликлари маҳсули бўлган маданий мерос объектлари, тарихий масканларнинг, юртимизда кўз қорачиғидек муҳофаза қилинаётганлиги дунё ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. ЮНЕСКОнинг маданий мерос бутунжаҳон рўйхатига мамлакатимиздан кўплаб тарихий бойликлар қаторида яна 4 та объект – 1991 йилда Хива "Ичан қалъа" қўриқхонасидаги ёдгорликларнинг барчаси, 1993 йилда Бухоро тарихий марказининг, 2000 йилда Шаҳрисабз шаҳридаги Темурийлар даврига оид архитектура ансамбларининг, 2001 йилда Самарқанд шаҳридаги ёдгорликларнинг киритилиши ана шу эътирофнинг ёрқин ифодасидир. Бугунги кунда тарих мулкини, халқимизнинг ўтмишдан мерос бебаҳо бўлагини асл ҳолида сақлаб қолиш учун қилинаётган ишлар келажакнинг мустаҳкам заминини яратишга хизмат қилади.

Камол МАТЁҚУБОВ

Нурли манзилларда "НУРЛИ НАВОЛАР"

Наманган сойини сой деб йиғлайми,
Ўзимга муносиб ёр деб йиғлайми,
Ўзимга муносиб ёр топилмаса,
Берган омонатинг ол деб йиғлайми
Берган омонатинг ол деб йиғлайми...
("Заррин япроқлар" фольклор ансамбли ижодидан)

Бундай наволарни тинглаганимизда кўз олдимизда бениҳоя гўзал, шу билан бирга ёр васлидан умидвор, маъюс қиз тимсоли гавдаланади. Беихтиёр, шундай кўҳли, зебо хилқатни ўзига шайдо қилган йигитга ҳавасимиз келади.

Ҳа, халқимиз азалдан гўзал туйғулар билан яшайди. Бу элнинг ўғлонлари билаги тоғни талқон қилгудек бўлса-да, юраги пок, бағри оламни сиғдиргудек кенгу, кўнгил торлари нозик. Қизлари ой билан ҳусн талашади, ҳаёсига малаклар ҳавас қилади. Ана шу хислатлар бу замин фарзандининг дарду ҳасратини, қувончини шеърга, куй-қўшиққа айлантириб келади.

Халқ оғзаки ижодини аждодларимизнинг турмуш тарзи, ўй-хаёллари, амалга оширган ишлари ҳақидаги авлодларга ёзиб қолдирган номалари десак, янглишмаймиз. Уларни асраб-авайлаш, кўҳна ижодий анъаналарни давом эттирган ҳолда, бугунги кун нафасини ҳам келажак авлодга етказиш биз, бугунги авлоднинг олдидаги шарафли бурчдир. Устозларимиз айтганидек, достонлар, лапарлар, халқ қўшиқлари ва аскиялар замирида ҳам эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, келажакка бўлган ишонч ётади. Фақат буни ҳис қила билиш, англай олиш керак. Бу эса бора-бора ўзликни англаш билан уйғунлашиб кетади. Халқ оғзаки ижодида гарчи умумбашарий мавзулар тилга олинса-да, кўпинча менталитет, миллийлик биринчи ўринда туради. Яъни ҳолатларни ифодалашда қаҳрамонларнинг характери, гап-сўзлари миллий руҳ билан безалади. Уларда бир гапни айта туриб, бошқа маънони бериш ҳолатлари учрайди. Мисол учун, кўпчилигимиз севиб тинглаган, ўқиган «Алпомиш» достонида Қоражон дўстини қутқаргани келганида Алпомиш атайин чилвирни узиб юборади. Бу дўстига ишонмаганидан эмас, балки ўзбек ўғлонининг ғуруридан эди. Бошқа халқ вакили ғурур сабаб ўзини ўлимга тутиб беришни ахмоқлик деб санаши ёки Алпомишни дўстига нисбатан бадгумонликда айблаши мумкин. Бироқ ўзбек бунинг нима эканини билади, шу сабаб Алпомишни ёзғирмайди. Ундан ўрнак олади. Шундай инсоннинг авлоди эканидан фахрланади. Ана шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижоди қадрият саналади. Унинг намуналарини фарзандларимизга, келажак авлод онгига сингдира олсак, қадриятларимизни англата олган бўламиз.

— Халқ оғзаки ижодини юртдошларимиз ҳаётига яна-да чуқурроқ олиб кириш учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Фатҳиддинхон Қамбариддинов. — Республика халқ ижодиёти марказида ўқув амалиётини ўташ давомида ўзим ҳам бевосита бундай ишларга гувоҳ бўляпман. Хусусан, бахши-шоирлар, оқинлар, жировлар, фольклор жамоаларининг фаолиятини кенг тарғиб этиш, уларни рағбатлантириш, ёшларда ушбу санъатга муҳаббат уйғотиш учун турли танлов-фестиваллар ўтказиб келиняпти...

Бу каби эзгу ишларга Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида юртимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб яқинда кўҳна Нурота заминида бўлиб ўтган фольклор жамоалари ва бахшилар иштирокидаги "Нурли наволар" республика фестивали мисол бўла олади. Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ва ўн иккита вилоятда фаолият олиб бораётган фольклор-этнографик халқ ансамбллари ҳамда таниқли бахшилар ўзларининг ижод намуналари билан қатнашди. Ҳар бир фольклор жамоасининг ўз ҳудудига хос либослари ва қадимий куй-қўшиқлар асосида тайёрланган дастурлари қадриятларимизни яна бир бор намойиш этди. Германия, Хитой, Корея Республикаси, Россия каби ўттизга яқин мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар ва чет эл ваколатхоналари вакиллари ушбу ижролардан баҳраманд бўлиш билан бирга, Нуротанинг хушманзара табиати, қадим чашмалари, авлиёлар қабрларини зиёрат қилиш асносида юртимиз тарихининг яна бир нурли зарвараги билан танишиш имконига эга бўлишди.

Шу ўринда Нурота шаҳри ҳақида. Тарих саҳифаларига "Нур шаҳри" дея муҳрланган Нуротада азал-азалдан азиз авлиёлар қабри ҳамда улуғ қадамжолар мавжудлиги ҳақида кўп гапирилган, ёзилган. Уни "Нури-Ато", "Нури Худо", "Кичик Макка" дея улуғлашган. Фестивалнинг номланишида ҳам шаҳар билан боғлиқликни ҳис қилишимиз мумкин. Дарҳақиқат, юртимиздаги қай бир масканга борманг, у ерда, албатта, тараққиётга ҳисса қўшган қадим тамаддун изларига дуч келасиз.

Фестивалда Қорақалпоғистон Республикасининг "Шуъла", Навоий вилоятининг "Нуржаҳон", Хоразм вилоятининг "Хоразм" ва Самарқанд вилоятининг "Бешқарсак" жамоалари юқори ўринларни эгаллашди. Албатта, гап ўринлар ва ёки ютуқларда эмас. Зеро, ушбу инсонларнинг шундоқ ҳам йўллари нурга беланган. Улар халқимизга заковат зиёси, маънавият нурини улашади. Бироқ рағбат ва эътироф кишига инсоний қадр-қимматни, фахр туйғусини теранроқ ҳис қилишига ёрдам беради.

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА,
"Hurriyat" муҳбири

Reklama

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:
» солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
» маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
» эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
» миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz *Хизматлар лицензияланган*

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 4250 Буюртма — S-5964 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Самарқанд: (0-366) 233-62-12
Топшириш вақти — 20⁰⁰ **Топширилди** — 20⁰⁰

ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Фахриддин Раҳимов *томонидан саҳифаланди.*
Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**